

# Xabar

39  
(940)-son  
24-sentabr  
www.xabar.uz  
info@xabar.uz  
xabar@uzpak.uz  
2010

O'ZBEKISTON ALOQA VA AXBOROTLASHTIRISH AGENTLIGI NASHRI

1992-yil martdan chiqa boshlagan



EXPO  
2010

## InfoCom 2010 AKT haftaligi

Мамлакатимиз алоқа ва ахборотлаштириш соҳаси ҳаётидаги йирик воқеа — InfoCom ҳафталиги жорий йилда ҳам эътиборли воқеаларга бой бўлди. Маълумки, ушбу ҳафталик ҳар йили анъанавий тарзда ўтказилиб келинади. Унинг доираси йилдан-йилга кенгайиб, тadbирлар ва ишгирикчилар сони ошиб борапти. InfoCom 2010 дастуридан қуйидаги тadbирлар жой олди:

- «Ахборот технологиялари болаларга!» акцияси
  - Миллий UZ доменидаги Интернет-фестивал ғолибларини тақдирлаш маросими
  - Ахборот-коммуникация технологиялари Миллий Саммити
  - «ICTExpo-2010» Анъанавий ахборот технологиялари Миллий кўргазмаси
  - «Давлат бошқарувида АКТдан фойдаланиш» биринчи Миллий тренинги
  - «Ўзбекистонда интернет-провайдинг ривожланиш муаммолари»га бағишланган давра суҳбати
  - «ICT-STUDENTS» — компьютер спорти универсиадаси акцияси
  - «Uzbekistan Cyber Games UCG 2010» геймерлар турнири ва бошқа тadbирлар.
- Газетамизнинг бугунги сонида ҳафталикдан ўрин олган шу ва бошқа тadbирлар тўғрисида батафсил танишасиз.



### Сўнги янгилик!

Алоқа оламида:

Норвегиялик олимлар мобил қурилмаларга пароллар ва PIN-кодлар ўрнига кишиларни қадам ташлашига қараб таниб олувчи тизим ўрнатиш таклифи билан чиқишди.



Уларнинг таъкидлашича, ҳар бир кишининг қадам ташлаши ўзига хос бўлиб, шахсни аниқлашда идентификатор вазифасини бажариши мумкин.

Бунинг учун мобил телефонга махсус қурилмалар ўрнатиш шарт эмас: фақат тезлик кўрсаткичи (акселерометр) бўлса бас. Тадқиқотчилар ўрганиш жараёнида Android G1 смартфонини синовдан ўтказишди.

### Ушбу сонда:

■ ICTExpo 2010 – Тошкент, Наманган ва Қаршида	2-3
■ Яндекс овозли кидиради	4
■ Информационные технологии – детям	6
■ Интернет фестивал	11
■ Баркамол авлод спартакиадаси	14-15

Теледастурлар, спорт, кроссвордлар

ИНТЕРНЕТ ХАМКОРИМИЗ

UzNet  
Internet Service Provider

сифат рамзидир

## Jumadan Jumagacha

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 16 сентябр куни Оқсаройда Малайзиянинг "Petronas" компанияси президенти Дато Шамсул Азхар Аббосни қабул қилди. Суҳбат чоғида амалдаги лойиҳалар ижросининг бориши ва ҳамкорликда истиқболли дастурлар ишлаб чиқиш масалалари юзасидан фикр алмашилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов БМТ Бош котиби Пан Ги Муннинг таклифига биноан БМТ Бош Ассамблеясининг Мингйиллик ривожланиш мақсадлари бўйича олий даражадаги ялпи мажлисида иштирок этди. Давлатимиз раҳбари мазкур саммитда нутқ сўзлади.

БМТ Бош Ассамблеясининг Мингйиллик ривожланиш мақсадларига бағишланган олий даражадаги ялпи мажлисида қатнашиш учун Нью-Йоркка йўл олган Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Буюк Британия пойтахти Лондонда тўхтаб ўтди. Мамлакатимиз раҳбари бу ерда "Британия-Ўзбекистон" жамияти раиси, Савдо ва саноат бўйича Ўзбекистон-Британия кенгаши ҳамраиси Ҳартли Бут ва "Британия-Ўзбекистон" парламент гуруҳи раиси Жон Вейверли билан учрашди.

15-16 сентябр кунлари Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида парламентга берилган ваколатларга мувофиқ, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг 2010 йил биринчи ярим йиллигидаги ижросига доир ҳисоботни эшитди.

Тошкентда Ўзбекистон электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси ва Конрад Аденауэр жағфармаси ҳамкорлигида "Ўзбекистон оммавий ахборот воситаларининг профессионаллашуви ва нодавлат телерадиоузатиш бозорининг ривожланиши" мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтди.

Ўзбекистон савдо-саноат палатасининг Қорақалпоғистон Республикаси бошқармаси қошидаги "Замонавий бизнес таълим" ўқув марказида "Очиқ эшиклар кун" бўлиб ўтди.

Пойтахтимизда соғлиқни сақлаш тизими бирламчи бўғинининг дастлабки ўн йиллик ривож мавзусидаги илмий-амалий анжуман ўтказилди. Тадбир Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Умумий амалёт шифокорлари халқаро ассоциацияси ва бошқа мутасадди ташкилотлар ҳамкорлигида уюштирилди.

Исроилнинг араб тилидаги етакчи интернет порталларидан бири "Бокра" сайтида Ўзбекистон мустақиллигининг 19 йиллигига бағишланган, ранг-баранг суратлар билан безатилган мақола эълон қилинди.



БМТнинг мамлакатимиздаги доимий вакили маслаҳатчиси Ситора Саид Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги Бош директори Ҳ.Муҳитдинов ҳамроҳлигида ICTExpo 2010 кўргазмаси билан танишди.



Кўргазма тажриба алмашиш, компаниялар ўртасида ҳамкорлик алоқаларини ривожлантириш, шу ернинг ўзига шартномалар имлолаш имконини ҳам берди.



# ICTExpo 2010

**Ахборот-коммуникация технологиялари ҳафталиги доирасида 22-24 сентябр кунлари Тошкент, Наманган ва Қарши шаҳарларида ICTExpo 2010 – ахборот технологиялари анъанавий миллий кўргазмаси бўлиб ўтди. Тошкент шаҳридаги «Кўргазма Савдо Маркази»да 110та компания, Наманган ва Қарши шаҳарларидаги кўргазмаларда 40та компания ўз маҳсулот ва хизматларини тақдим этди.**

Кўргазманинг тантанали очилиш маросимида БМТ Тарққийёт дастури, мамлакатимизнинг алоқа ва ахборотлаштириш соҳаси мутахассислари, кенг жамоатчилик вакиллари иштирок этди. Тошкент шаҳридаги кўргазманинг тантанали очилиш маросимида Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги Бош директори Ҳақим Муҳитдинов ҳамда БМТнинг мамлакатимиздаги доимий вакили маслаҳатчиси Ситора Саид сўзга чиқди.

Таъкидланганидек, ушбу анъанавий кўргазмага қизиқиш тобора ошмоқда. Унинг муваффақиятли кечиши ахборот жамиятини барпо этиш борасида Ўзбекистон қўлга киритган ютуқларни кенг жамоатчиликка янгича кўринишда етказишга ёрдам бериб, ахборотлаштириш жараёнларининг ривожланишига янги ва сезиларли туртки бўлади. Эътиборли жиҳати, кўргазмада қатнашаётганлар сони билан бир қаторда, унда тақдим этилаётган маҳсулот ва хизматлар ранг-баранглиги ҳам ошмоқда. Айниқса, мобил

алоқа, рақамли телевидение, интернет хизматлари соҳасида жуда кўплаб янгилликлар, технологик ечимлар яратилган. Илгари пойтахт билан бир пайтда Самарқанд, Андижон ва Нукус шаҳарларида кўргазмалар ташкил этилган бўлса, бу сафар Наманган ва Қарши шаҳарлари ҳам нуфузли тадбирга мезбонлик қилишди. Унинг доирасида веб-трансляция ташкил этилиб, иштирокчилар ҳар уч кўргазма экспонатлари билан танишиш имкониятига эга бўлишди.

Кўргазмада республикамизнинг етакчи алоқа ва ахборотлаштириш компанияси, корхона ва ташкилотлари билан бир қаторда, Россия, Украина, Австрия, Германия, Жанубий Корея, Хитой, Венгрия каби мамлакатларнинг компаниялари ҳам энг сўнгги инновациялари билан қатнашди. Булар сирасида телекоммуникация, рақамли телевидение, мобил алоқа, ускуна таъминотчилари, дастурий ечимлар, ахборот тизимлари, ахборот хавфсизлиги, интернет-провайдерлар, почта, банк, полиграфия хизматла-

ри, веб-дизайн студиялари ва бошқа турдаги хизматларни санаб ўтиш мумкин.

Мутахассислар ўзаро тажриба алмашиб, компаниялар ўртасидаги ҳамкорлик алоқаларини ривожлантириш борасида сезиларли қадамлар ташланди, мижозлар маҳсулот ва хизматлар ҳақида бевосита мутахассисларнинг ўзидан қimmatли маълумотларга эга бўлишди.

«Ўзбектелеком» АК стендида ташкил этилган видеоқўприк орқали Наманган ва Қарши шаҳарлари билан боғланилди. Сир эмаски, мазкур компания ўтказиб келинаётган кўргазмаларда доим фаол иштирок этади. Бу сафар ҳам компания филиаллари томонидан тақдим этилаётган энг сўнгги ва турдош алоқа хизматлари намойиш этилди.

Хусусан, компания FTТх технологиясига асосланган, тезлиги 100 Мбит/сониягача бўлган юқори тезликдаги симли интернет, учинчи авлод — 3G (EV-DO) технологиясига асосланган, тезлиги 3 Мбит/сониягача бўлган кенг полосали маълумотни узатиш ҳамда юқори тезликдаги мобил интернет хизматларини намойиш этди. Шунингдек, IP-тармоғи орқали тақдим қилинадиган юқори сифатли тасвирли (MPEG-4 ва HD) рақамли телекўрсатувлар (IPTV) хизмати орқали йўлдошли телеканалларни тўғридан-тўғри узатиш имкониятлари мутахассислар ва ташриф бу-

### Сўз катнашчиларга:

#### Рустам РАЕМОВ, «Ncity» компанияси бош директори:

— Компаниямиз республикамизда Wi-Fi технологиясига асосланган симсиз интернетни ривожлантириш — SOHO лойиҳаси устида иш олиб бораёпти. Кўргазмада ташриф буюрувчиларни мазкур тизимнинг афзалликлари билан таништирялмиш. Ҳозиргача Тошкент шаҳрида барча ускуналар ўрнатиб бўлинган ва мазкур тадбирдан сўнг у ишга туширилади. Бешта вилоятда филиалларимиз очилган бўлиб, 2011 йилдан бу ҳудудларда ҳам тизимни ривожлантириш, интернетни жорий этиш ишлари давом эттирилади.

#### Гулчехра ИСМАТУЛЛАЕВА, «Stars TV» компанияси абонентлар бўлими оператори:


— Компаниямиз рақамли технологияларга асосланган ҳолда сифатли телевидение хизматларини кўрсатади. Корхона-ташкилотлар ва аҳоли учун алоҳида хизматлар йўлга қўйилган. «Асосий» («Базовый»), «Люкс» ва «Премиум» хизмат пакетлари мавжуд бўлиб, телеканаллар сони ва тоифалари бўйича баҳоланади. Кўргазмада қатнашишдан мақсадимиз рақамли телевидение имкониятларини намойиш этиш ва хизматларимизни янада оммалаштиришдир.



Энг сўнги ишланма ва хизматлар намоиши. Булар қаторига МДХ давлатлари орасида биринчи бўлиб мамлакатимизда йўлга қўйилган LTE — туртинчи авлод тармоғини қўйиши мумкин.



Веб-дастурлаш соҳаси вакиллари ҳам ўз хизматларини намоиш қилмоқдалар.



Баркамол авлод йилида ўқув даргоҳларини ZyuNET тармоғига улаш давом эттирилади. Шу ва бошқа янгиликлар хусусида UZINFOCOM стендида батафсил маълумот берилди.

# Тошкент, Наманган ва Қаршида

юрувчилар эътиборига ҳавола этилди. Кўнғироқларни қайта ишлаш маркази (Call центр) ва Маълумотларни қайта ишлаш маркази (Дата-центр)нинг имкониятлари яқиндан таништирилди.

Ўзбекистонда илк мартаба компаниянинг корпоратив стендида Тошкент, Наманган ва Қарши шаҳрлари ўртасида «Telepresence» технологиясига асосланган видеоконференцалоқа хизмати намоиши этилди. «Telepresence» (Телеқатнашув) видеоконференцалоқа хизмати ташкил этишнинг янги технологиясига асосланган бўлиб, юқори сифатли товуш узатиш ва «юзма-юз» мулоқотнинг асл ифодасидир.

Мобил алоқа хизматларига қизиқиш доим юқори бўлган. Юртимизда фаолият кўрсатаётган компаниялар ўртасида жиддий рақобат муҳити шаклланган, уларнинг кўрғазмадаги иштирокида ҳам бу ҳолат кузатилди. «МТС-Ўзбекистон» юқори тезликдаги учинчи авлод — 3G ва тўртинчи авлод — 4G (LTE) имкониятлари намоишига асосий урғу берган бўлса, Ucell мазкур хизматлар билан бир қаторда, қатнашчилар учун кўрғазмали шоу уюштирди, ютукди ўйинлар ташкил этди. «Билайн» стендида эса ташриф буюрувчилар компаниянинг бепул рақамларини расмийлаштириш имкониятига эга бўлишди.

UNICON.UZ ташкилоти жорий йил янги — электрон рақамли им-

зони шакллантирувчи ва текширувчи «E-KALIT» ишланмаси билан иштирок этди. Шунингдек, «E-HUJAT», «E-XAT» ва «HIMFAYL» сингари тизимларнинг такомиллашган шакллари мутахассислар эътиборига ҳавола этилди.

Юқоридагилар қаторида UZINFOCOM, «Алоқабанк», Ёш дастурчиларни тайёрлаш ва қўллаб-қувватлаш маркази, East Telecom, NTT, Netcity, ZTE, Huawei Technologies, NSN, Oracle каби компания ва ташкилотлар стенди кўрғазмаларга бойлиги билан ажралиб турди.

2010 йил — Баркамол авлод йили муносабати билан кўрғазма кунлари Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги томонидан ёшларнинг ахборот технологияларидан фойдаланишларини қўллаб-қувватлашга қаратилган қатор тадбирлар ташкил этилди. Жумладан, ахборот технологияларига ихтисослашган билим юртли талабалар жамоалари ўртасида «ICT-STUDENTS» компютер спорти универсиадаси бўлиб ўтди. У яқка тартибда ва жамолар сафида компютер йиғиш, белгиланган вақт ичида интернетга чиқувчи хавфсиз локал тармоқ яратиш, берилган мавзу бўйича интернет-саҳифа яратиш каби йўналишларни ўз ичига олди.

«Ахборот технологиялари — болаларга!» хайрия акцияси доирасида пойтахтдаги 259-мактаб учун бепул компютер синфи тақдим этилди.

24 сентябр куни «Кўрғазма Савдо Маркази» бош саҳнасида Uzbekistan Cyber Games — Компютер ўйинлари бўйича Ўзбекистон чемпионати финали голиблари аниқланди.

Наманган ва Қарши шаҳрларидаги кўрғазмаларда вилоятларнинг телекоммуникация, почта, матбуот тарқатувчи корхоналари, мобил алоқа компаниялари, телевидение, ахборот-кутубхона марказлари, вилоятлар ҳокимиятлари қошидаги компютерлаштириш марказлари, Ёш дастурчиларни тайёрлаш ва қўллаб-қувватлаш маркази, «ALOQABANK», «UzNet», «East Telecom», SUPERIMAX, «SENSOFT», «MICROS», «ALSKOM», «D-LINK», «Softline International», «Inter Cable Service», SIMUS.UZ сингари компаниялар ўз стендларини намоиш этди.

Ахборот технологиялари анъанавий миллий кўрғазмаси Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги ҳамда Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитаси расмий қўллаб-қувватлаши остида ташкил этилди. Кўрғазма бош ҳомийси — республикамизда «МТС» савдо белгиси остида хизмат кўрсатувчи «Ўздунробита» ХК.

**Собит АҲАДОВ,**  
«Хабар» мухбири

**Суратлар муаллифи Л.ТУРСУНОВ**

Қарши шаҳридаги «Ёшлар» марказида анъанавий миллий ахборот технологиялари кўрғазмаси тантанали равишда очилди. Истиқлол йилларида мамлакатимизда бу соҳада улкан ютуқларга эришганлиги кўрғазма мобайнида яққол ўз исботини топди. Кўрғазмада ахборот технологиялари соҳасидаги барча янгиликлар, жумладан, мобил тармоқлари, кенг полосали уланиш хизматлари, рақамли телевидение технологиялари ва бошқа қўллаб-янгиланган намоиш этилди.

Кўрғазмада Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги тизимидаги компанияларнинг филиаллари, коммуникация хизматларини кўрсатувчи провайдерлар, телекоммуникация ҳамда компютер ускуналари ишлаб чиқарувчилар ва етказиб берувчилар, дастурий маҳсулотлар ишлаб чиқарувчилар қатнашди.

Кўрғазма дастури доирасида тақдимотлар, ўқув-семинарлар, мастер-класслар, давра суҳбатлари, кўнгилочар тадбирлар ўтказилди.

Семинарнинг биринчи кунинда Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги Қашқадарё вилоят ҳудудий бошқармаси бошлиғи Бахтиёр Жабборов, ТАТУ Қарши филиали директори Одибек Турғунов, вилоят компютерлаштириш маркази директори Абдурахмон Чўпоновлар АКТни вилоятда қўллаш борасидаги маърузалари билан семинарлар ташкил этган бўлса, семинарнинг иккинчи кунинда вилоят АКМ директори Клара Дўсёрова, Қашқадарё почтаси директори Солиҳ Ҳафизов, «Алском» сугурта компанияси вилоят филиали мутахассиси Умида Жалолова АКТ соҳасининг истиқболли режалари ва унинг қўлланилиши бўйича иштирокчиларга машғулотлар ўтказдилар. Шу ернинг ўзида мобил алоқа тармоқларига уланиш, пул кўчирмалари, коммунал тўловларни амалга ошириш ва обуна ишлари ташкил этилди. Кўрғазма давомида турли йўналишдаги иштирокчилар дипломлар билан тақдирланди.

**Афтондил ИСМОИЛОВ,**  
«Хабар»нинг Қашқадарё вилоятидаги мухбири

## Ғофур ҒОҒУРОВ, «UzNET» филиали маркетинг ва тариф бўлими бош мутахассиси:

— Баркамол авлод йили давлат Дастури доирасида 2010 йили филиалимиз томонидан Маълумотларни ишлаш маркази (Дата-центр) харид қилинди. Бундан мақсад республикамизда миллий контентни ривожлантириш учун замин яратишдир. Дата-центр ўрнатилгач, арзон тариф режалари асосида бир қатор хизматлар йўлга қўйилди. Жумладан, виртуал хостинг, виртуал сервис (VPS), серверларни жойлаштириш ва қўллаб-қувватлаш (Colocation), ажратилган жой (Dedicated area), маълумотларни резервли сақлаш, ахборот ресурсларини сақлаш ва бошқаларни санаб ўтиш мумкин. Ушбу кўрғазма Дата-центр тақдимотини ўтказиш, унинг хизматлари билан фойдаланувчиларни янада яқинроқ таништириш учун жуда яхши имконият берди.

## Валей АХМЕРОВ, «Verisel-Kafolat» компанияси бош директори:

— Кўрғазмада тақдим этилган асосий маҳсулотимиз «Иш вақтини ҳисоблаш тизими»дир. Бу тизим кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналари учун жуда қулай восита бўлиб, ортқича харажатларга йўл қўймайди. Унинг ёрдамида ҳар бир ходимнинг қачон ишга келиб, қачон кетишини, иш пайтида нималар билан машғуллигини аниқ ва объектив аниқлаш мумкин. Менимча, ишни тўғри йўлга қўйиш истагида бўлган ҳар қандай тадбиркорга бу тизим маълум келади. Айни пайтда мазкур тизим консалтинг фирмаларида самарали қўлланилаётир.

## Xalqaro haqot



### Эрон-АҚШ: УРУШ МУАММОНИ ХАЛ ҚИЛМАЙДИ

АҚШ президенти Барак Обама Эрон ядро муаммоси ечимининг ҳарбий варианты юзасидан ўз муносабатини билдирди.

CNBC телеканалининг хабар беришича, президент Эронга қарши ҳарбий амалиёт, бу мамлакат ядро қуролига эга бўлиш имконияти мавжуд бўлган бир пайтда, муаммо ечимининг “энг яхши” варианты эмаслигини маълум қилган. Лекин, у агар Эрон ҳақиқатан ҳам ядро қуролига эга бўлса, муаммо янада жиддий тус олишини ҳам таъкидлаган. “Бу масала юзасидан биз имкониятдаги барча вариантларни муҳокама қиламиз. Биз ҳали ҳам Эрон муаммосини дипломатик йўл билан ҳал қилишга тайёرمىз”, қўшимча қилган президент.

АҚШ ва унинг қатор иттифоқчилари, жумладан, Исроил Эроннинг ядро қуроли яратиш бўйича қилаётган ишларидан шубҳаланмоқда. Расмий Техрон эса ўз ядро дастурлари тинчлик мақсадлари учун хизмат қилишини таъкидлашдан тўхтамапти.

### НАТО СОҚЧИЛАРИГА ХУЖУМ

Афғонистоннинг шарқдаги Нангархар музофотида террорчи-камакдазе миналаштирилган автомобилда НАТОнинг кузатувчи соқчиларига ҳужум қилган. Ҳужум натижасида бир ҳарбий бронмашина ишдан чиққан, портлаш яқинида турган энгил автомашинанинг ҳайдовчиси эса жароҳатланган.

“Толибон” ҳаракати мазкур ҳужумни ўз зиммасига олган. Улар ҳужум натижасида ўн нафар хоризлик ҳарбий ўлдирилгани ва иккита бронмашина портлатилгани ҳақида хабар тарқатган.

### ТРАНСАФҶОН ЛОЙИХАСИ ИМЗОЛАНДИ

Туркменистон пойтахти Ашхободда Туркменистон, Афғонистон, Покистон ва Ҳиндистон (ТАПҶ) тармоқ раҳбарлари Трансафғон газ қувури қурилиши бўйича келишувни имзоладилар. Ушбу келишувга ТАПҶ газ қувури лойиҳаси бўйича қўмита раҳбарларининг 11-йиғилиши якунида эришилди. Энди лойиҳанинг ҳар бир иштирокчи мамлақати ушбу ҳужжатни ўзининг ички давлат тартибларидан келиб чиқиб тасдиқлашлари керак.

Айрим маълумотларга кўра, Трансафғон газ қувури 1600 километрдан ортиқни ташкил этади ва йилига 30 миллиард кубометр табиий газ етказиб беради.

### БОЛАЛАРИНИНГ ҚОТИЛИГА АЙЛАНДИ

АҚШнинг Техас штатидаги Хюстин шаҳри полицияси уч нафар боланинг қотилиги юзасидан суриштирув ишларини олиб бормоқда.

“Associated Press” агентлигининг маълум қилишича, 12 ёшли ўғил бола ҳамда 7 ва 14 ёшлардаги икки нафар қиз бола ўз ётоқхоналарида отиб ташланган.

Мазкур қотилиқда вафот этган болаларнинг отаси, 47 ёшли Муҳаммад Гоҳар шубҳа остига олинган. Айни дамда Гоҳарнинг ўзи ҳам оғир аҳволда шифохонада ётибди. У бошига ўқ узиб, жонига қасд қилган. Врачлар унинг яшаб кетишини тахмин қилишмоқда.

Болаларга қаровчи энаганинг гувоҳлик беришича, у Муҳаммад Гоҳар қўлида пистолет кўрган ва хонадан қочиб чиққан. Шундан сўнг ўқ товушларини эшитган.

Гоҳар болаларининг онаси билан ажрашган, лекин у дам олиш кунларида уларни олиб кетиш ҳуқуқига эга бўлган.

Интернет материаллари асосида  
У. ЙУЛДОШЕВ тайёрлади

## BIZNES

### Motorola ПЛАНШЕТ ЧИҚАРМОҚЧИ

Motorola компанияси келгуси йил бошларида Android амалиётлар тизимига асосланган планшет компютерини чиқаришини маълум қилди.

Компания раҳбарларидан бири Санжай Жанинг таъкидлашича, Motorola планшетлар бозорига ўз бизнесини кенгайтиришдан манфаатдор, рақобатбардош қурилмалар чиқариш учун эса етарлича имкониятга эга.

Шу йил баҳорида Apple iPad планшет компютери чиқиши билан аксарият йирик ишлаб чиқарувчилар, жумладан, Acer, Dell, Lenovo, Motorola, Samsung, RIM (BlackBerry), Asus, HP, Sharp, Toshiba сингари компаниялар ҳам бу борада фаолият бошлашга қизиқиш билдиришганди.



## INTERNET

### ЯНДЕКС ОВОЗЛИ ҚИДИРАДИ

Жорий йил охиригача «Яндекс» овозли қидирувни ишга туширмоқчи. Компания вакилининг айтишича, хизмат даставвал мобил «Яндекс карталари» фойдаланувчилари учун очилади.

Овоз матнли сўров шаклига ўгирилади ва қидирув тизими томонидан ишланади. Овозли қидирувлар ёрдамида фойдаланувчилар Москва шаҳридаги манзилларни, яқинроқ масофадаги сартарошхоналар, автомобилларга ёниги қўйиш шохобчалари, банк бўлимларини топишлари мумкин бўлади. Фойдаланувчининг қаердалиги автоматик равишда аниқланади.



Бу йўналишдаги хизматни «Яндекс»нинг асосий рақибни — Google ҳам ишга тушириш арафасида турибди. Рақибнинг имкониятлари юқори, негаки, у икки йилдан буён инглизча овозли қидирув тизимини ишлатиб келяпти, яқиндан бошлаб эса Европа тиллари, хитой ва япон тилларидаги шакли ҳам иш бошлади.

## КАБУТАР ВА ИНТЕРНЕТ

Буюк Британияда маълумотни узоқ масофага етказиш бўйича қизиқ бир тажриба ўтказилди. Унга ишонадиган бўлсак, почта кабутарлари ҳамон интернетдан тез экан... Фойдаланувчилар интернетдан 300 мегабайт видеолархони кўчириб бўлгунларича кабутар худди шунча ҳажми маълумот жойланган USB-сақлагични 193 километр масофага 75 дақиқала етказган. Кушлар финишга етганида 5 дақиқалик видеолархонинг атиги 24 фоизи кўчириб бўлинганди. Ташкилотчилар бу билан «Туманли Албион»нинг айрим туманларида кенг полосали интернетни жорий этиш ишлари оқсаётганлигини кўрсатмоқчи бўлишди.

BBC 2009 йили ўтказган ўрганишларга кўра, Британиядаги уч миллион атрофидаги хонадоннинг интернетга улаиш тезлиги 2 Мбит/сониядан паст.

## ALOQA OLAMIDA

## SERVIS

### Apple ГАЗЕТА БИЗНЕСИДА

Apple компанияси янги веб-сервисни йўлга қўймоқчи. У ноширларга газета ва журналларнинг рақамли шаклини мобил қурилмалар учун сотиш имкониятини беради.

Айни пайтда компания ноширлар билан бу борада музокараларга киришган. Қўзланган мақсад iPad харидорлари сафини кенгайтириш ҳамда газета ва журналлар савдосидан қўшимча даромад олишдир.

### ЯНГИ АВЛОД ПЛАСТИК КАРТАЛАРИ

Американинг Dynamics компанияси янги авлод пластик карталари (Hidden ва Multiaccount)ни ишлаб чиқди. Компания ижрочи директорининг сўзларига қараганда, ҳозир ҳамкор банклар билан биргалликда улар синовдан ўтказилапти.



Hidden карталарида сақланган пулларни бегоналар ўзлаштира олмайди. Картанинг 16 рақамидан 10таси анъанавий усулда юзасига туширилган, қолган олтитаси эса ундаги дисплейда акс этади. Картанинг рақамларини тўлиқ кўриш учун блокировкани очиш кодини киритиш зарур бўлади.

Multiaccount карталари иккита банк ҳисобини бирлаштиради. Ҳисобларни боғлаш учун карта сиртидаги тугмалардан фойдаланилади. Картага ўрнатилган ёруғлик кўрсаткичига қараб айни пайтда ҳисобларнинг қайси бири фаоллигини билиш мумкин.

## JAMIYAT



Саммит ИКТ

**АКТ хафталиги доирасида ўтказилган Ахборот-коммуникация технологиялари бўйича Миллий Саммит яна бир бор соҳанинг етакчи экспертлари, давлат органлари, жамоатчилик ва халқаро ташкилотлар вакиллари, мамлакатимиз ҳамда хорижий АТ-компанияларнинг раҳбарлари ва мутахассисларини Тошкентда тўплади. 21 сентябр куни Халқаро ҳамкорлик марказида ўтказилган мазкур йирик тадбирда Ўзбекистон, Буюк Британия, Хиндистон, Испания, Корея, Мўғулистон, Россия, АКШ, Туркия, Чехия каби мамлакатлардан 350 нафардан ортиқ мутахассис иштирок этди. Улар анжуман мобайнида ахборот-коммуникация технологиялари соҳасидаги сўнгги ютуқлар ва ишланмаларни муҳокама қилдилар.**

# АКТ САММИТ:

## Хафталикнинг интеллектуал қисми

Миллий Саммит Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Компютерлаштириш ва АКТни ривожлантириш бўйича мувофиқлаштирувчи кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитаси, Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги, Ўзбекистонда БМТ Тараққиёт Дастурининг “АКТ сиёсати” лойиҳаси ҳамда Ўзбекистон ахборот технологиялари корхона ва ташкилотлари ассоциацияси томонидан ташкил этилди.

Саммитнинг очилиш маросимида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Ахборот тизимлари ва телекоммуникациялар масалалари ахборот-таҳлил департаменти мудир Ш.Солиқов, Ўзбекистонда БМТ Тараққиёт Дастурининг доимий вакили А.Нироиди, Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги Бош директорининг биринчи ўринбосари А.Эшонхўжаев, Ривожланиш учун АКТ бўйича Осий-Тинч океани тренинг маркази директори Хюн-Сук Ри, Туркия Бош вазир қошидаги электрон ҳукумат бўйича маслаҳатчилар гуруҳи раҳбари Р.Алтинок ва бошқалар сўзга чиқишиб, саммит ишига муваффақият тилашди.

Умумий мажлис давомида Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги Бош директори ўринбосари А.Хўжаевнинг мамлакатимизда АКТ ва компютерлаштиришни ривожлантиришга оид маърузаси тингланди.

Шундан сўнг, саммит шўбаларга бўлинган ҳолда ўз ишини давом эттирди. У уч мавзу йўналиши бўйича олиб борилди: стратегия ва ривожланиш, технологиялар ва инфратузилма, иловалар ва ечимлар. Шўба йиғилишларида хорижлик ва маҳаллий



мутахассислар томонидан “Туркияда электрон ҳукумат жорий этиш бўйича муваффақиятли лойиҳалар”, “Чехияда электрон ҳукумат”, “Мутлақо қоғозсиз электрон ҳукуматни вуҷудга келтириш: техник масалалар ва Корредаги ҳозирги аҳвол”, “АКТ имкониятларини ривожлантириш орқали келажакни қуриш”, “Давлат бошқа-

ний шахслар учун интернет-банкнинг дастурий мажмуаси”, “Ўзбекистонда рақамли телевидение – тажриба эксплуатацияси яқунлари ва ривожлантириш режалари” каби 50дан ортиқ маърузалар ўқилди.

АКТ Саммит давлат органлари, халқаро ташкилотларнинг мутахассисларига АКТ бозорининг ҳолатини чуқур таҳлил қилиш, ютуқлар билан танишиш, янги барқарор ва ишончли ҳамкорлар топиш, Ўзбекистон Республикасида АКТни янада кенгроқ жорий этиш учун қўшимча инвестиция ресурсларини жалб этиш бўйича ҳисобланади. Ечимлар, иловалар, янги ғоялар ва АКТни ривожлантириш истиқболларини муҳокама қилиш майдони ҳисобланмиш АКТ Саммити Ахборот-коммуникация технологиялари хафталигининг ўзига хос «интеллектуал» таркибий қисми бўлиб хизмат қилади.

Делегатларнинг эътирофича, ушбу тадбир уларнинг аъёнаний профессионал форумидир, зеро бу – сўнгги

воқеаларни муҳокама қилиш, тажриба алмашиш, илғор амалиётлар бора-бора экспертларнинг ўзидан маълумот олиш жойи ҳисобланади.

АКТ Саммит иштирокчилари қизгин муҳокамалар ва мунозаралар асосида тавсиялар ишлаб чиқдилар ҳамда Саммит Резолюциясини қабул қилдилар. Мазкур Резолюция кейинчалик амалга оширилиши лозим бўлган ишларда қўлланма вазифасини ўтайди.

Шу ўринда таъкиллаш лозимки, Саммитнинг аввалги йиллардаги қўлланма тавсиялари амалга оширилиб, айрим тавсиялари эса Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг ахборот-коммуникация технологиялари соҳа-

сидаги қарорларига киритилган. Шу билан бирга, ўша тавсиялар асосида бир қатор муҳим ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, Барқамол авлод йилида аҳолининг АКТ соҳасидаги саводхонлигини ошириш масаласига катта эътибор берилди ва 15 мингдан зиёд киши компютер саводхонлиги курсларида ўқитилди. Бу курсларни ташкил этишга 400дан ортиқ талаба жалб этилди. Шунингдек, ахборот технологиялари марказлари очилди, ногиронлар учун махсус тренинглар ташкил этилди. МДХ давлатларида биринчи бўлиб Ўзбекистонда туртинчи авлод алоқа тармоғи – LTE (4G) ишга туширилди. «ЗиёНЕТ» таълим ахборот тармоғига уланган ўқув муассасалари сони кўпайди. Қишлоқ жойлардаги ижтимоий муҳим объектларнинг коммуникация инфратузилмаси янада ривожланиб, интерфасол шаклда давлат хизматларини кўрсатувчи Ўзбекистондаги биринчи Ягона Ойна Маркази ишга туширилди ва ҳоказо.

Саммит яқунлари бўйича барча маърузалар ва материаллар CD диск ҳамда электрон шаклда <http://summit.ictp.uz> манзилида жойлаштирилди. Барча қизиқувчилар ушбу манзиллар орқали маърузалар билан танишишлари мумкин.

Лутфилло ТУРСУНОВ

## Интернет-провайдинг муаммолари

АКТ хафталиги доирасида “Ўзбекистонда интернет-провайдинг ривожланиш муаммолари”га бағишланган давра сўхбати ўтказилди. Уни “InfoCOM.UZ” журнали таҳрир ҳайъати раиси А.Сучков олиб борди.

Тадбирда “Ўзбектелеком” АК, «Sharq Telekom», «Sarkor Telekom», «UZNET», «EVO», «Uz SciNet», ТШТТ, «Plus comnet», «TAS-IX», «Buzton», «SKS» ва бошқа компаниялар вакиллари иштирок этишди.

Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги Бош директорининг ўринбосари А.Хўжаев давра сў-

хбати қатнашчилари саволларига жавоб бериб борди.

Мулоқотнинг асосий мазмуни “Ўзбектелеком” АК ва провайдерлар ўртасидаги алоқаларга қаратилди. Маълум бўлишича, кенг полосали интернет хизматларини кўрсатувчи аксарият компаниялар пойтахтдан ташқаридаги ҳудудларда ўз тармоқларини ривожлантиришмаяпти. Бунга сабаб сифатида бу йўналишдаги бозор маҳаллий провайдерлар томонидан қамраб олинганлиги эътироф этилди. “Ўзбектелеком” АК бош директори М.Маҳмудов агарда бу масала техник муаммоларга боғлиқ бўлса, ҳўриб чиқилишини таъкидлади.

Сўхбат давомида “Ўзбектелеком”нинг тарифларни доимий равишда пасайтириши, провайдерларнинг эса нархларни туширмаётганлиги ҳам ўртага қўйилди. Айрим провайдерлар вакиллари бу борада чоралар қўрилаётганлигини таъкидлашди. Қизгин муҳокамалар натижасида келгусида мазкур йўналишда амалга ошириладиган вазифалар юзасидан маълум келишувга эришилди.

Шунингдек, давра сўхбати давомида ногиронларга имтиёзли хизматлар кўрсатиш, провайдерларнинг корпоратив сайтларини яхшилаш, “Ўзбектелеком” АК расмий сайтыда провайдерлар муурожаатини қўриб чиқадиган форум ёки саҳифа ташкил этиш ва бошқа қатор масалалар қўриб чиқилди.



## Информационные технологии – детям



Поддерживая инициативу Президента Республики Узбекистан И.А.Каримова по объявлению 2010 года «Годом гармонично развитого поколения», а также в рамках стартовавшей в Узбекистане Недели ИКТ состоялась благотворительная акция «Информационные технологии – детям», направленная на дальнейшее обеспечение доступа ребят к новейшим информационным технологиям и знаниям.

Компания «Nokia Siemens Networks» на безвозмездной основе оборудовала компьютерный класс школе №259 в Юнусабадском районе города Ташкента, а компания «TPS» обеспечила бесплатный доступ в Интернет.

В классе установлено 10 современных компьютеров. Данный класс поможет создать образовательную среду, в основе которой лежат информационно-коммуникационные технологии, способствующие раскрытию творческого потенциала школьников.

## «БМС КОНСАЛТИНГ» провел семинар в Ташкенте

9 сентября 2010 года компания «БМС консалтинг» провела семинар «Комплексное управление безопасностью предприятия» при поддержке Узбекского агентства связи и информатизации. Семинар был посвящен комплексному управлению безопасностью предприятия.

Семинар вызвал огромный интерес в кругу специалистов информационных технологий и информационной безопасности различных секторов экономики Узбекистана.

Официальным открытием семинара стало приветственное слово представителя Кабинета Министров Республики Узбекистан и Заместителя Генерального директора Узбекского агентства связи и информатизации.

В ходе семинара были рассмотре-

ны вопросы эффективного управления уязвимостями информационной безопасности предприятий, проанализированы проблемы связанные с отсутствием контроля действий системного администратора и пути их решения, вопросы защиты конфиденциальной информации от утечки. Особое внимание уделено проблеме борьбы с инсайдерами как основным источником утечек. Также рассмотрены механизмы противо-

действия распространению конфиденциальной информации в масштабах предприятия.

«Тема семинара очень важна для предприятий и организаций Узбекистана, потому что комплексное управление безопасностью предприятия позволяет успешно вести бизнес, сохранять инвестиции и избежать уязвимости всей инфраструктуры предприятия. Мы рады, что один из лидеров системной интеграции Украины, компания «БМС консалтинг», открыла представительство в Узбекистане. Уверен, что бизнес БМС консалтинг в Узбекистане будет развиваться успешно и плодотворно», — отметил Асаджон Ходжаев, заместитель генерального директора Узбекского агентства связи и информатизации.

## Расширение географии международного роуминга от «МТС-Узбекистан»

В августе 2010 года услуга международного 3G-роуминга стала доступна абонентам «МТС-Узбекистан» в сетях ещё 2 операторов за рубежом: Pelephone (Израиль) и Telcel (Мексика), с которыми компания заключила договора о предоставлении услуги международного 3G-роуминга. Скорость передачи данных в сети роуминг-партнеров, работающих в стандарте 3G с применением технологии HSDPA, может достигать 3,6 Мбит/сек.

В настоящее время абоненты «МТС-Узбекистан», имеющие телефоны с поддержкой стандарта UMTS (HSDPA), могут получить доступ к высокоскоростной передаче данных с использованием технологии 3G в сетях 82 операторов в 53 странах мира.

Кроме того, в августе 2010 года пользование услугами GPRS-роуминга стало возможным в сетях компаний Pelephone (Израиль) и Bharti (Индия). Таким образом, на сегодняшний день мобильный Интернет в роуминге стал доступен абонентам компании в сетях 140 операторов в 85 странах мира.

В июне 2010 года услуга голосового международного роуминга стала доступна в сетях компаний DigiCell (Науру) и MTN Irancell (Иран). На сегодняшний день абоненты «МТС-Узбекистан» могут воспользоваться данной услугой в сетях 337 операторов-партнеров МТС в 177 странах мира.

Более того, с 1 сентября 2010 года «МТС-Узбекистан» расширила возможности получения обслуживания в роуминге. Теперь при нахождении в сетях Группы МТС в России, Украине, Армении, Беларуси или Туркменистане абоненты «МТС-Узбекистан» могут получить сервисное обслуживание, обратившись в стране пребывания в местный салон-магазин МТС или в Контактный центр (по номеру 0890 в России, Беларуси и Туркменистане или по номеру 111 в Украине и Армении; такие звонки в роуминге при регистрации в сети МТС тарифицируются как исходящие звонки внутри сети «МТС-Узбекистан» в соответствии с установленным тарифным планом).

### ОБЪЯВЛЕНИЕ

Государственное унитарное предприятие «Центр электромагнитной совместимости» при Узбекском агентстве связи и информатизации объявляет набор на работу на должность РАДИО-ОПЕРАТОРА для работы в городах Андижан, Джизак, Карши, Наманган. Требования кандидатам: высшее специальное образование (выпускники ТУИТ факультета радиотехники РРТ), хорошие знания узбекского, русского языка, умение работать компьютере.

Обращаться по адресу: г. Ташкент, ул. Кирккиз 10, Телефон для справок: 150-41-68, 150-41-99.



## Чемпионат Узбекистана по еспорту UCG SHOCK AUTUMN 2010

17 сентября в Ташкентском клубе SHOCK стартовал осенний чемпионат по компьютерным играм (еспорту) Uzbekstan Cyber Games Autumn 2010, финальные соревнования которого будут проходить 24 сентября на главной сцене Национальной выставки информационных технологий ICTExpo 2010 в выставочно-торговом павильоне №1 (бывший Дворец спорта Юбилейный).

Чемпионат UCG Shock Autumn 2010 проводится в рамках Недели информационно-коммуникационных технологий INFOCOM 2010, при поддержке Узбекского агентства связи и информатизации. В роли организаторов выступает администрация компьютерного клуба SHOCK и редакция журнала infoCOM.UZ. Организаторы выставки ICTExpo 2010 предоставляют в распоряжение чемпионата главную сцену в выставочно-торговом павильоне №1 (бывший Дворец спорта Юбилейный), где на площади более 1500 м2 будет проводиться ежегодная национальная выставка ICTExpo 2010. Чемпионат проводится по пяти играм:

1. Counter Strike 1.6 – командная игра 5x5
2. Dota All Stars - командная игра 5x5
3. FIFA 2010
4. WarCraft III: The Frozen Throne
5. NFS: MW

24 сентября на главной сцене Выставочно-торгового павильона №1 будут проводиться финалы чемпионата Узбекистана по компьютерным играм Uzbekstan Cyber Games ICTExpo 2010. На большом экране будут транслироваться финалы по пяти играм чемпионата, а после их окончания призерам будут вручаться награды прямо на главной сцене выставки.

Призерам чемпионата будут вручаться дипломы победителей и ценные призы от спонсоров.

Миллий UZ домени ресурсларини ривожлантириш мақсадида ўтказиб келинаётган интернет-фестивалнинг бу йилги ғолиб ва совриндорлари аниқланди. 20 сентябр куни пойтахтимиздаги Ёшлар ижодиёти саройида бўлиб ўтган тақдирлаш маросимида ғолибларга тегишли совринлар топширилди.




# Интернет фестивал

Аввало, интернет-фестивал тўғрисида қисқача маълумот бериб ўтсак. "Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" жамғармаси, "Келажак овози" ташаббускор ёшлар маркази, UZINFOCOM маркази, Mirada Software компанияси ва InfoCOM.UZ журнали бу йилги фестивал ташкилотчилари сифатида иштирок этдилар. Фестивални Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги ва Ўзбекистон хотин-қизлар қўмитаси расмий қўллаб-қувватлади.

Илк бор 2001 йили ташкил этилган интернет-фестивал ҳар икки йилда ўтказиб келинади. Мамлакатимизда интернет-фойдаланувчиларнинг ўсиб бораётгани, фаол доменлар сони ошаётганлиги инobatта олиниб, 2010 йилдан бошлаб интернет-фестивални ҳар йили ўтказишга қарор қилинди.

Жорий фестивалда 5 августдан 5 сентябр кунига қадар www.if.uz сайтида номинациялар бўйича рўйхатдан ўтган 705та сайт ғолиблик учун кураш олиб борди.

Сайтларни баҳолаш учун интернет-технологиялар, санъат, маданият, давлат бошқаруви ва бошқа соҳаларнинг малакали мутахассисларидан иборат ҳакамлар ҳайъати ташкил этилиб, 15 мавзудаги номинация бўйича иштирокчилар баҳоланди. Якуний натижаларга кўра ғолиблик қуйидаги сайтларга насиб этди:



## 1. Ёшлар учун энг яхши сайт.

- 1-ўрин: Ёш дастурчиларнинг онлайн ҳамжамияти сайти — [www.webdot.uz](http://www.webdot.uz)
- 2-ўрин: Компютер ўйинлари ҳақидаги сайт — [www.game.uz](http://www.game.uz)
- 3-ўрин: [www.darudar.uz](http://www.darudar.uz) сайти

## 2. Аёллар ва болалар репродуктив саломатлиги ва соғлом турмуш тарзига бағишланган энг яхши сайт.

- 1-ўрин: Оналар ва болалар учун сайт — [www.farzand.uz](http://www.farzand.uz)
- 2-ўрин: Болалар саломатлиги сайти — [www.generation.uz](http://www.generation.uz)
- 3-ўрин: Аёллар сайти — [www.ayol.uz](http://www.ayol.uz)

## 3. Ўзбекистон аёллари томонидан яратилган энг яхши веб-саҳифа ёки веб-блог.

- 1-ўрин: Профессional журналистика ҳақида блог — [www.binafsha.uz](http://www.binafsha.uz)
- 2-ўрин: Тошкент автомактаблари сайти — [www.prava.uz](http://www.prava.uz)
- 3-ўрин: Хотин-қизлар учун сайт — [www.muslima.uz](http://www.muslima.uz)

## 4. Фан ва таълим йўналишидаги энг яхши сайт.

- 1-ўрин: Ўзбекистон ИИВ Академияси сайти — [www.akadmvd.uz](http://www.akadmvd.uz)
- 2-ўрин: Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги портали — [www.eduportal.uz](http://www.eduportal.uz)
- 3-ўрин: Хорижда таълим — <http://study.uz>

## 5. Энг яхши ОАВ сайти.

- 1-ўрин: Ўзбекистон янгиликлари — [www.podrobno.uz](http://www.podrobno.uz)
- 2-ўрин: Ахборот портали — <http://www.12.uz>
- 3-ўрин: <http://mirit.uz>

## 6. Давлат бошқаруви органи ҳақида энг яхши сайт.

- 1-ўрин: Ўзбекистон Республикасининг Ҳукумат портали — <http://gov.uz>
- 2-ўрин: Олий Мажлис Қонунчилик палатаси сайти — <http://www.parliament.gov.uz>
- 3-ўрин: Сурхондарё вилояти ҳокимлиги сайти — <http://www.surxon.gov.uz>
- 3-ўрин: Ўзбекистон ташқи ишлар вазирлиги сайти — <http://www.mfa.uz>

## 7. Маданият ва санъат йўналишидаги энг яхши сайт.

- 1-ўрин: Ўзбекистон маданияти ҳақидаги сайт — [www.kultura.uz](http://www.kultura.uz)
- 2-ўрин: Тошкент жаз клуби сайти — [www.jazz.uz](http://www.jazz.uz)
- 3-ўрин: Ўзбекистон адабиёти ҳақидаги сайт — [www.e-adabiyot.uz](http://www.e-adabiyot.uz)

## 8. Сайёҳлик ва сەҳҳат йўналишидаги энг яхши сайт.

- 1-ўрин: Сайёҳлик ҳақидаги сайт — [www.orientholiday.uz](http://www.orientholiday.uz)
- 2-ўрин: Курортлар ҳақидаги сайт — [www.kurorti.uz](http://www.kurorti.uz)
- 3-ўрин: Балиқ ови ҳақидаги сайт — [www.fibalka.uz](http://www.fibalka.uz)

## 9. Жисмоний тарбия ва спорт йўналишидаги энг яхши сайт.

- 1-ўрин: Ўзбек футбол фанатлари сайти — [www.uff.uz](http://www.uff.uz)
- 2-ўрин: Ўзбекистон спорт янгиликлари портали — [www.sportportal.uz](http://www.sportportal.uz)
- 3-ўрин: Андижон профессионал футбол клуби сайти — [www.andijon-pfc.uz](http://www.andijon-pfc.uz)
- 3-ўрин: "Қо? Где? Когда?" Тошкент лигаси сайти — [www.chgk.uz](http://www.chgk.uz)

## 10. Тиббиёт ва соғлиқни сақлаш йўналишидаги энг яхши сайт.

- 1-ўрин: Ўзбекистон тиббиёт портали — [www.med.uz](http://www.med.uz)
- 2-ўрин: Акушерлик ва генекология республика тиббиёт маркази сайти — [www.akusherstvo.uz](http://www.akusherstvo.uz)
- 3-ўрин: Дори воситалари ҳақидаги сайт — [www.apteka.uz](http://www.apteka.uz)

## 11. Тармоқли сервис йўналишидаги энг яхши сайт.

- a) web 1.0 тоифаси:
- 1-ўрин: Об-ҳаво ҳақидаги сайт — [www.pogoda.uz](http://www.pogoda.uz)
- 2-ўрин: Миллий ахборот-қидирув тизими — [www.uz](http://www.uz)
- 3-ўрин: .UZ доменидаги қидирув тизими — [www.voydod.uz](http://www.voydod.uz)
- б) к web 2.0 тоифаси:

- 1-ўрин: Ўзнет видиосервиси — [www.mytube.uz](http://www.mytube.uz)
- 2-ўрин: Ахборот—саноат портали — [www.promzona.uz](http://www.promzona.uz)
- 3-ўрин: Блогосервис — [www.blogger.uz](http://www.blogger.uz)

## 12. Энг яхши корпоратив сайт.

- 1-ўрин: "МТС-Ўзбекистон" оператори сайти — [www.mts.uz](http://www.mts.uz)
- 2-ўрин: "Билайн" оператори сайти — [www.beeline.uz](http://www.beeline.uz)
- 3-ўрин: Super IMAX компанияси сайти — [www.evo.uz](http://www.evo.uz)

## 13. Минтақавий-ўлкашунослик йўналишидаги энг яхши сайт.

- 1-ўрин: Тарих ҳақида — [www.e-tarix.uz](http://www.e-tarix.uz)
- 2-ўрин: Тошкент ҳақида мактублар — [www.mytashkent.uz](http://www.mytashkent.uz)
- 3-ўрин: Ўзбекистон экологик портали — [www.econews.uz](http://www.econews.uz)

## 14. Энг яхши шахсий саҳифа

- 1-ўрин: Тамара Санаеванинг шахсий блоги — <http://sanaeva.doira.uz>
- 2-ўрин: Мария Складневскаянинг шахсий сайти — [www.klarinia.uz](http://www.klarinia.uz)
- 3-ўрин: Болалар уйига ёрдам — [www.deti.uz](http://www.deti.uz)

## 15. Фестивал кашфиёти

- 1-ўрин: Авиабелет буюртмаси сервиси — [www.poletim.uz](http://www.poletim.uz)
- 2-ўрин: Пазандаликка оид ҳикоялар — <http://azu.uz>
- 3-ўрин: Блог ва форум — [www.jensovet.uz](http://www.jensovet.uz)

Ушбу йилнинг танлов дастурига WWW.UZ Миллий қидирув тизими-дан ҳам ҳар бир номинация учун махсус мукофотлар киритилди. Иштирокчилар орасидан ўз йўналиши бўйича маълум вақт давомида энг кўп хостлар тўплаган сайтлар ғолиблари бўлдилар. Уларга ҳам совринлар топширилди.

## WWW.UZ номинацияси ғолиблари:

- 1. Жисмоний тарбия ва спорт йўналишидаги энг яхши сайт — [WWW.UFF.UZ](http://WWW.UFF.UZ)
- 2. Давлат бошқаруви органи ҳақида энг яхши сайт — [WWW.GOV.UZ](http://WWW.GOV.UZ)
- 3. Энг яхши ОАВ сайти — [WWW.SAT.UZ](http://WWW.SAT.UZ)
- 4. Маданият ва санъат йўналишидаги энг яхши сайт — [WWW.SB.UZ](http://WWW.SB.UZ)
- 5. Тиббиёт ва соғлиқни сақлаш йўналишидаги энг яхши сайт — [WWW.PHARMED.UZ](http://WWW.PHARMED.UZ)
- 6. Минтақавий-ўлкашунослик йўналишидаги энг яхши сайт — [WWW.MYTASHKENT.UZ](http://WWW.MYTASHKENT.UZ)
- 7. Ўзбекистон аёллари томонидан яратилган энг яхши веб-саҳифа ёки веб-блог — [WWW.KRASOTA.UZ](http://WWW.KRASOTA.UZ)
- 8. Аёллар ва болалар репродуктив саломатлиги ва соғлом турмуш тарзига бағишланган энг яхши сайт — [WWW.GENERATION.UZ](http://WWW.GENERATION.UZ)
- 9. Энг яхши корпоратив сайт — [WWW.EVO.UZ](http://WWW.EVO.UZ)
- 10. Фан ва таълим йўналишидаги энг яхши сайт — [WWW.UZ-TRANSLATIONS.UZ](http://WWW.UZ-TRANSLATIONS.UZ)
- 11. Ёшлар учун энг яхши сайт — [WWW.STALKER.UZ](http://WWW.STALKER.UZ)
- 12. Сайёҳлик ва сەҳҳат йўналишидаги энг яхши сайт — [WWW.AVIATOUR.UZ](http://WWW.AVIATOUR.UZ)
- 13. Тармоқли сервис йўналишидаги энг яхши сайт — [WWW.PAYNET.UZ](http://WWW.PAYNET.UZ)
- 14. Энг яхши шахсий саҳифа — [WWW.ISLOM.UZ](http://WWW.ISLOM.UZ)
- 15. Фестивал кашфиёти — [WWW.MELODY.UZ](http://WWW.MELODY.UZ)

# Ахборот-кутубхона соҳасини ривожлантириш истиқболлари

21-22 сентябр кунлари шу мавзуда иккинчи республика илмий-амалий семинари ўтказилди.

Мазкур семинар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитаси, Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги, Республика ахборот-кутубхона маркази, Ўзбекистон миллий кутубхонаси ҳамкорлигида ташкил этилди.



Тадбирни Республика ахборот-кутубхона маркази директори А. Эшматов олиб борди. Семинар АКТ ҳафталиги доирасида ташкил этилиб, унинг биринчи кунги ишида ўндан ортиқ маърузалар тингилди.

Ўтган вақт мобайнида ахборот-кутубхона тизимида олиб борилган ислохотлар натижасида мамлакатимиз бўйлаб 12 мингдан ортиқ ахборот-кутубхона фаолияти йўлга қўйилди. Уларнинг умумий адабиётлар фонди бир неча млн. нусхани ташкил этиб, шу жумладан, 1 млн. нусхага яқин ноёб ва камёб ҳужжатлар — китоб, журнал ва газеталардан иборатдир.

Ахборот-кутубхоналарда доимий фойдаланувчилар сони 2 млн. нафарга яқин, шулардан 70 фоизини ўқувчи ва талабалар ташкил этади. Уларга ахборот-кутубхона муассасаларининг 20 мингдан зиёд ходимлари хизмат кўрсатиб келишмоқда.

Айни вақтда муассасаларнинг моддий-техник ва меъриий базаларини босқичма-босқич мустаҳкамлаш, хизмат кўрсатиш жараёнини автоматлаштириш, миллий автоматлаштирилган ахборот-кутубхона дастурларини жорий этиш, "ZiyoNET" тармоғи ресурсларидан фойдаланиш каби вазифалар амалга оширилмоқда. Тадбир аввалида шу каби маълумотлар ва мамлакатимизда ахборот-

кутубхона тизимининг ривожини, бу йўналишда олиб борилаётган ишлар тўғрисида ахборот берилди.

Маъруза ва муҳокамаларда эса республика ахборот-кутубхона фаолиятини такомиллаштириш, китобхоналарга хизмат кўрсатишнинг замонавий усуллари ва шакллари жорий этиш, ислохотларни янада чуқурлаштириш масалалари кўриб чиқилди.

Семинарнинг биринчи кунини ҳар томонлама фойдали маърузаларга бой ва тажриба алмашиш учун фойдали бўлди.

Иккинчи кунини семинар иштирокчилари Ахборот технологиялари миллий кўргазмасида иштирок этишиб, соҳада эришилаётган ютуқлар, илғор технологиялар намоиши билан танишишди. Куннинг иккинчи ярмида маърузалар давом эттирилди. Унда жойлардаги АКМ раҳбарлари ва мутахассислари иш жараёнида амалга оширилиши зарур бўлган масалалар, иш самарадорлигини оширишда ахборот технологияларидан унумли фойдаланиш ва бошқа масалалар хусусида фикр алмашди. Тадбир якунида иштирокчилар кўрилган масалалар юзасидан таклиф ва мулоҳазалар билдиришди.

Ўз мухбиримиз

MOBIL ALOQA

## "ИШБИЛАРМОН КУЗ"

"Beeline Business"нинг "Мобил офис" хизматига 3G-модем билан уланиш нархи 60 \$гача пасайтирилди.

Воқеани изоҳлар экан "Beeline Business" йўналиши раҳбари Иван Смоленцев шундай деди: "Бизнинг компания бизнесни тезкор интернетлаштириш тарафдори, шунинг учун "Мобил офис" шартларини яхшилаш — мижозларимиз томон ташланган навбатдаги қадамдир. Ҳозир мазкур йўналишда бир қатор лойиҳалар тайёрлапмиз, улар ҳақида яқин орада маълум қиламиз".

"Мобил офис" — интернет тармоғига модем ва шахсий компьютер ёрдамида мобил телефондан фойдаланмаган ҳолда уланиш учун комплекс ечимдир. Хизмат интернетга исталган вақтда уланиш имконини беради. Шунингдек, ҳам Ўзбекистондаги корпоратив тармоққа, ҳам "Билайн" GPRS-роуминги амалда бўлган 51 мамлакатда исталган вақтда интернетга уланиш имконияти мавжуд. "Мобил офис" тўпламига USB-модем ва "Мобил офис" тариф режасига уланган SIM-карта киради.



## ТАТУ-СУНГСИЛ УНИВЕРСИТЕТИ: Меморандум имзоланди

Тошкент ахборот технологиялари университети дунёнинг кўплаб университетлари билан халқаро алоқаларни ривожлантириб келмоқда. Биргина Жанубий Кореянинг 20га яқин олий ўқув юртлири билан ҳамкорлик алоқалари йўлга қўйилганини мисол тариқасида келтириш мумкин.

Университетнинг Жанубий Корея олийгоҳлари билан алоқаларини ривожлантиришида ТАТУда илмий фаолият олиб бораётган Корея Миллий тадқиқот жамғармаси (National Research Foundation TPC) аъзоси Сунг Су Кимнинг ҳиссаси катта. Унинг кўмаги билан яқинда Кореянинг ахборот технологиялари соҳасидаги етакчи университетлардан бири ҳисобланган Сунгсил университети ва ТАТУ ўртасида меморандум имзоланди. Ушбу келишув муҳокамаси юзасидан Сунгсил университетининг халқаро алоқалар бўйича проректори Ин Сунг Ли ҳамда ушбу университетнинг Интеллектуал Робот институти (Intellegent Robot Institute) раҳбари профессор Херн Су Хан ТАТУга ташриф буюрди.

Меморандумни имзолашдан мақсад икки университет ўртасидаги илм-фан ҳамда таълим соҳаси бўйича турли жабҳалардаги кенг қамровли ҳамкорлиқни ривожлантириш ҳисобланади. Меморандумга кўра, икки университет тенг ҳуқуқлар асосида нафақат факултетлар, тадқиқотчилар, ходимлар ва талабалар, балки илмий ҳамда ўқув маълумотлар ва материаллар алмашинувини йўлга қўйди. Меморандумда ҳамкорликка асосланган тадқиқот лойиҳалари, маърузалар ва симпозиумлар ташкил этиш ҳам кўзда тутилган.

Бу эса, ўз навбатида, нафақат икки университетнинг илмий ҳамкорлиги ривожини, балки икки давлат ўртасидаги дўстона муносабатларни янада мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Ш. ПУСТАМОВ

## Бувайдада янги коллеж

Бувайда туманидаги Бекобод кишлоғида ахборот технологиялари коллежи қуриб фойдаланишга топширилди. 615 ўринга мўлжалланган ушбу замонавий билим масканини бунёд этиш учун 2 миллиард 995 миллион сўм маблағ сарфланди.

Кишлоқ кўрकिга кўрк қўшган мажмуада ёшларнинг касб-ҳунар ўрганишлари учун барча шарт-шароит, хусусан, ихтисослаштирилган фан хоналари, лаборатория, устахона, спорт зали, ахборот-ресурс маркази, мажлислар зали ва бошқа қўшимча хоналар, 50 ўринли ётоқхона мавжуд.

— Янги ўқув йили арафасида коллежимизга кишлоғимиз ва атроф қишлоқлардан келган 600 нафар талаба қабул қилинди, — дейди коллеж директори Адхамжон Умаров. — Коллеж маъмурияти иқтисодиёти-миз ва халқ ҳўжалиги учун эҳтиёж сезилаётган замонавий касб-ҳунарларни ёшларга ўргатиш ва уларни қомил инсонлар этиб тарбиялашдек вазифани мақсад қилиб қўйган.

Жумладан, ёшлар ахборот технологиялари бўйича иш юритувчи,

телекоммуникация бўйича мутахассис, ёниги қуйиш шохобчаларига техник хизмат кўрсатиш, тикув-трикотаж, тураржой ва жамоа биноларидан фойдаланиш, давлат рўйхатидан ўтказувчи инспектор касблари бўйича ўқитилади.

— Баркамол авлод йилида ёшларнинг истақ-хоҳишларини инобатга олиб, туман "Қамолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати кенгаши билан ҳамкорликда ёшлар ижтимоий хизмат марказининг шохобчасини очиб, унда компьютер саводхонлиги, бичиш-тиқиш сингари тўғарақларга ёшларни жалб этишни режалаштириб қўйдик, — дейди коллеж раҳбари — Бу билан ёшларнинг коллежимизда муқаммал ҳунар ўрганиб, билим олишлари учун қулайлик яратган бўламиз.

Мухаммаджон МАҲМУДОВ

Мактабда ўқиб юрган кезлари Хошимжон жуда кўп шеърларни ёддан биларди. Уйлари ёнидаги алоқа бўлимига тез-тез кириб туришга ҳам шу иштиёқ сабаб эди. Бир гал почтага кирса, бошлиқ унга, карашвор улгурмапман, деди навбат кутиб турганларга ишора қилиб. Индекс топиб, манзил ёзиб, тоза раҳмат эшитди. Хуллас, бир пасда хаммани хурсанд қилиб қузатди.

— Ўзи бир олам завқ оладиган иш-ку! Яна эвазига дуолар ҳам олдим, — деди почтачи Мамараҳимовга қараб. — Қачон ёрдам керак бўлса, мен тайёр.

— Ундоқ бўлса, ҳар куни кириб туравер.

Шу-шу почтага боғланиб қолди. Кўп ўтмади. Мактабни тугатиши билан уни ишга таклиф этишди. Дастлабки кунлардан оқ у почтанинг сеҳри дунёсини кашф этди. Ёшлиқнинг навобахш паллалари эмасми, деворга “Мен почтада туғилганман!” деб ёзиб қўйди. Бу сўзлар остида унинг учун жуда мислсиз мазмун, маъно ётарди. Биринчи маъно — бу почта одамларга яхшиликлар қилиш имконияти, савоб ишлар маскани дегани эди назарида. Ҳар ҳолда у шундай эзуликлар манзилида иш

## “Мен почтада туғилганман!”

бошлаганидан беҳад бахтиёр эди. Ҳа, у ишхонасида яхшиликлар кўрди, яхшиликлар қилди. Айниқса, олийҳиммат ақл-идрок эгалари, устозлари — Абдухалил Мамараҳимов, Йигитали Ҳамроқулов, Нўъмон Каримов, Насриддин Далабоевларнинг бебаҳо панд-насихатлари йўлчи кўлдиз каби ҳаётини ёритиб келмоқда.

“Ходимни яқин кишидек кўринг, — дейишарди улар. — Уйига боринг, шарт-шароитини ўрганинг. Ёрдамга муҳтожми, йўқми, қандай қилсангиз янада яхшироқ ишлайди, билинг. Иссиқ-совуқ кунларида ёнида бўлинг.

Қисқаси, ишдан сўнг дўст бўлинг”.

Қалб тўридаги энг олий туйғулар, касбга муҳаббати устозлар намунаси туйғайли камол тоғди, шакланди. Шукурки, ҳаётда хушбахт кунлар кўп бўлади: почтага ишга қабул қилинган кун, оилали, фарзандли бўлган кунлар шукурини ҳеч нарса

табриклар, дуолар қиладиган, оқибатли устоз Хошимжон ака Тошматов билан ифтихор қилмай бўладими!

Бугун почта даргаси қутлуг 60 ёшни ёруғ юз билан кутиб олди. У рафиқаси Робияхон опа билан почта соҳаси ривожига катта ҳисса қўшганлардан. “Компютер”, “Тирик архив”,

билан тенглаб бўлмайди.

Энди Хошим ақанинг ўзи устоз. Ўғитлари дилларга жо бўлиб кетган. Почта қондаларини “сув қилиб ичиб юборган”, унга ўзгартиришлар қиритиш ҳақида бош қотирадиган, асл почта даргаси бўлиб танилган устозлари билан Фахриддин Маҳмудов, Васила Облоёрова, Лазоқат Ўлмасова, Шарифжон Ризаев, Феруза Султоновалар ҳақида равишда фахрланишди. Улар ҳам “Почта — гўзаллик, почта бу — ҳаёт, меҳнат, фароғат” деб ҳисоблайдилар. Ҳамманинг туғилган кунини ёлда сақлаб, барчадан олдин

“Уруш иштирокчиларининг меҳрибонлиги” деб ардоқлашади уларни. Хошимжон ака сараловчи, тезкор ходимдан тортиб Яйпан почта алоқаси тармоғи бошлиғи (ҳозирда йўриқчи-тафтишчи) лавозимларида меҳнат қилиб келмоқда. Меҳнатдан лаззатланиш бахти не эканлигини ҳеч ким Тошматовчаллик билмасми керак. Умрингиз узоқ бўлсин, фарзандлар камолини кўринг азиз устоз, дейишмоқда шогирдлар.

Ҳафиза САЛЯҲОВА,  
“Хабар”нинг  
Фаргона вилоятидаги мухбири

### ➤ NISHONDORLARIMIZ

## Жонкуяр, серғайрат, талабчан...

Бухоро шаҳар телекоммуникациялар боғламасига карашли 4-АТС 5600 нафар абонентга телефон хизмати кўрсатмоқда. Шаҳарнинг Гиждувон, Панох, Толиби, Носир Бухорий, Мутал Бурхонов, Янгиобод кўчаларидаги хонадонларда истиқомат қилувчилар кўрсатилаётган алоқа хизматидан ниҳоятда мамнун.

Кўп йиллик иш амалиётига эга бўлган тажрибали мутахассислардан бири — мазкур АТСнинг етакчи муҳандиси Игор Аҳмедиевнинг ўз зиммасидаги вазифаларни пухта билиши ва уларни талаб даражасида бажариб келаётгани ютуқлар омилли бўляпти.

Чиндан ҳам, ўтган давр мобайнида мазкур ҳудуддаги қурилмаларга техник хизмат кўрсатиш ва уларни таъмирлаш ишларини тўғри ташкил этиш, линия қурилмаларини жорий, капитал таъмирлаш, реконструкция қилишда қутилган натижага эришилмоқда. Бу И.Аҳмедиев ва унинг қўл остидаги Икром Ҳасанов, Салоҳиддин Бахронов, Софур Ҳайтов, Ҳафиз Дониёв, Ҳасан Атоев, Носир Бахронов сингари муҳир электромонтёр ва кабел пайвандловчиларнинг ўз кундалик ишига сидқидилдан ёндашаётгани натижасидир.

— Электромонтёрлик касбининг ўзинга хос жиҳатлари бор, — дейди Игор Аҳмедиев. — Мен ҳам дастлабки иш фаолиятимни шу касбда бошлаганман. Уастака электромонтёри зиммасидаги асосий вазифа АТСдан бошлаб абонент телефонида бўлган линиядаги носозликни аниқлаш, шундан кейин кабел пайвандловчига бу ҳақда аниқ маълумотни беришдан иборатдир.

Дарҳақиқат, бу мураккаб иш жараёни электромонтёрлардан ўта синчковлик, диққат-эътибор, йилинг ҳар қандай фасли ва об-ҳаво шароитида чидам ва матонат билан иш олиб боришни тақозо этади. Том маънодаги бундай касбий маҳорат кўникмалари Игор Аҳмедиевда у дастлаб иш бошлаган 1977 йилдаёқ шаклланилган

ги ўз-ўзидан аён. Орадан ўтган йиллар давомида у шаҳарлараро телефон станцияси электромеҳанигиндан шаҳар телекоммуникациялар боғламаси ЛКХ ва абонент қурилмалари етакчи муҳандисига бўлган йўлни босиб ўтди. Бу орада Тошкент алоқа политехникумида таҳсил ҳам олди. Маълум мулдат “Ўзнефгазалоқа” ишлаб чиқариш-техник алоқа корхонасида муҳандис бўлиб ишлаганида ҳам тинмай изланди, малакасини ошириб борди.

Ана шу хизмат ва инсоний фазилатлари 4-АТСнинг айнан И.Аҳмедиев етакчилиги қилаётган иш участкасида ҳам ижобий натижаларга эришилишини таъминламоқда. Аҳоли истиқомат жойларида ўрнатилган телефонлардан ташқари, корхона, ташкилот ва муассасаларга абонентларга ҳам сифатли хизмат кўрсатишни алоқа ходимлари биринчи қалдаги бурчлари деб билишади.

Республикамиз мустақиллигининг қутлуг 19 йиллик байрами арафасида жамоа аъзолари, вилоятнинг барча алоқачилари бир хушхабар эшитишди. Соҳада самарали фаолият кўрсатаётган ва унинг талаб даражасида такомиллашуви ҳамда мамлакат иқтисодиётининг ривожланишига ўзининг салмоқли ҳиссасини қўшиб келаётган бир гуруҳ алоқа ходимлари қатори “Бухоро Телеком” филиали Бухоро шаҳар телекоммуникациялар боғламаси ЛКХ ва абонент қурилмалари етакчи муҳандиси Игор Аҳмедиев ҳам “Ўз касбининг устаси” белгиси билан тақдирланди.

Асқар ИСТАМОВ,  
“Хабар”нинг  
Бухоро вилоятидаги мухбири

### ➤ TO'YXAT

## Тўрт одамга бош бўлиш...



Тўрт одамга бош бўлиш, одамларга тўғри йўл кўрсатиб, уларни ўз ортиндан эргаштира олиш, иш самарадорлигини ошириш, янгиликка йўл очиш, хуллас, ёшларга мураббийлик, устозлик қилиш

инсондан кўп нарса, аввало, ақл-заковат, куч-ғайрат, билим талаб этади. Тўрткўл туман телекоммуникациялар боғламаси бошлиғи Айтбой Аминов етакчиларга хос бўлган барча фазилатларни ўзинда мужассамлаштира олган инсон.

Бу муболага эмас, балки у бошчилик қилаётган соҳа ходимлари, устозлари, ундан иш ўрганган ёшлар, қолаверса, кўллаб тўрткўлликлар эътирофидир. Зеро, у киши мақтовни, алоҳида эътиборни унчалик ҳам хуш кўрмайдиган камтарин раҳбар. Шундай бўлса-да, бутун муборак 60 ёши боис, Айтбой ака ҳақида баҳоли қудрат сўз юритишга жазм этди. Ахир, айтишадикку, тўй баҳона яхши гаплар, олий тилакларни айтиб қол, деб!

Айтбой Аминов 1972 йилда Тошкент электротехника алоқа институтининг автоматик электралоқа факултетини тамомлаб, Нукус алоқа техникаларини ишлашти корхонасида муҳандис сифатида иш бошлаган эди. Туман раҳбарлари унинг зийрак, тиришқоқлигини эътиборга олиб, 28 ёшида мазкур корхонага раҳбар этиб тайинлашди.

— Туманда янги ерлар ўзлаштирилиб, ер майдони кенгайиб борди, аҳоли сони ўсди. Алоқа хизматига талаб ҳам кун сайин ошиб бораверди, — дейди тармоқ бош муҳандиси Бахтиёр Ибодуллаев. — Айтбой ака ана шуларни ҳисобга олиб, хизмат тури ва сифатини яхшилашга эътибор қаратди. Ўтган йилларда ходимлар меҳнат шароити, уларни моддий-маънавий қўллаб-қувватлаш яхшиланди. Дарҳақиқат, Айтбой ақанинг бевосита раҳбарлигида тармоқ ишчи-хизматчилари учун 8 хонадонли туруржой биноси қурилди. Туманда 96 метрлик телеминара ишга тушиши натижасида тўрткўлликлар республика телекўрсатувларини бемалол кўра бошладилар. Шу пайтгача Нукус телевидениеси кўрсатувларини ҳам кўриш имконияти йўқ эди.

Табиатан янгиликка ўч раҳбар Қорақалпоғистон Республикасида биринчилардан

бўлиб электрон регистр мосламасини ишга туширишга эришди. Натижада шаҳарлараро, халқаро боғланишлар яхшиланиб, аҳолига қулайлик яратилди. Ҳозир туманда Япониянинг NEC компаниясида ишлаб чиқарилган рақамли АТСлар ишлаб турибди. Оптик тоғали кабел орқали шаҳарлараро, халқаро боғланишлар саккиз мартагача ўсди. Қишлоқ инфратузилмасини ривожлантириш давлат дастурига асосан тўртта қишлоқда янги рақамли станциялар ишга туширилди. Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йилда Уллубоғ, Адаккаев, Шўраҳон қишлоқларида 736 нуқтали телефон станциялари рақамли АТСларга алмаштирилди.

Айтбой ақани касб сирларини ўрганган, ҳаётда ўз ўрнини топан ёшлар талайгина. Талабчан устоз, ибратли оила бошлиғи, меҳрибон ота Айтбой Аминовга 60 ёши муносабати билан тансиҳатлик, тинчлик-хотиржамлик, эл хизматида юриб чарчамасликни тилаб қоламиз.

Азимбой НИЯЗИМБЕТОВ,  
Тўрткўл телекоммуникациялар боғламаси  
касаба уюшмаси кўмитаси раиси

### ТАБРИКЛАЙМИЗ!

“Ўзбекистон почтаси” ОАЖ Фаргона филиали жамоаси Янгиқўрғон почта алоқаси тармоғи ходими Расулжон ҚОСИМОВНИ 55 ёши, Риштон, Яйпан, Фўрқат почта алоқаси тармоқлари ходимлари Мирзаманнон ОРИПОВ, Саъдулло ДЕҲҚОНОВ ҳамда Турғунали УМИРЗОҚОВларни 50 ёшга тўлишлари муносабати билан табриклайди. Уларга мустаҳкам саломатлик, узоқ умр, фарзандлар камолини кўришликни тилайди.

## ДИҚҚАТ, ТАНЛОВ!

«ИНСОН ХУҚУҚЛАРИ  
ЖУРНАЛИСТ НИГОХИДА»

Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди, Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси миллий маркази мамлакатимизда инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш мақсадида амалга ошириляётган демократик ижтимоий-иқтисодий, сиёсий-ҳуқуқий ислохотларни янада чуқурлаштириш жараёни босма оммавий ахборот воситаларида кенг ёритилишини ташкил этиш, журналистларнинг жамиятдаги фаоллигини ошириш, уларни қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш мақсадида «Инсон ҳуқуқлари журналист нигоҳида» мавзудаги ижодий танловни эълон қилади.

## Танлов шартлари

Танловга 2010 йилнинг 1 январидан 2010 йилнинг 1 декабригача республика босма оммавий ахборот воситалари ва интернет нашрларида эълон қилинган, Инсон ҳуқуқлари бўйича умумжаҳон декларацияси, мамлакатимизда инсон ҳақ-ҳуқуқларини таъминлашга қаратилган қонун ҳужжатларининг мазмун-моҳияти ва уларнинг амал қилиши, инсон ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишни таъминлаш, шахсни ҳар томонлама камол топтириш, ёшларнинг демократик фуқаролик жамияти барпо этишда фаол иштирок этиши учун зарур ижтимоий-иқтисодий, сиёсий-ҳуқуқий шароит яратиш мавзуларидаги таҳлилий мақолалар ва фото материаллар қабул қилинади.

Танловга тақдим этилган материаллар мамлакатда фаолият олиб бораётган босма омма-

вий ахборот воситалари, интернет-нашрларда чоп этилган бўлиши лозим.

Тақдим этилган материаллар ўзбек, рус ва қорақалпоқ тилларида тайёрланган, эълон қилинган босма ёки интернет нашри аниқ кўрсатилган электрон ва матбуот нусхада бўлиши керак. Фоторепортажлар асл нусхада тақдим этилади. Ижодий ишларга муаллиф туғрида маълумотлар (фамилияси, исми, фаолияти, паспорт нусхаси) илова қилинади.

Ғолиблар Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси миллий маркази, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакиллиги (омбудсман), ҳуқуқшунос олимлар, малакали мутахассис-экспертлар ва ҳуқуқий мавзуга ихтисослашган журналистлардан таркиб топган ҳакамлар ҳайъати томонидан аниқланади.

## Танлов ғолибларига мукофотлар

Ғолиблар диплом ва қимматли совғалар билан тақдирланади.

Материаллар «Инсон ҳуқуқлари журналист нигоҳида» мавзудаги ижодий танловга» деган қайд билан Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фондида 2010 йил 5 декабрга қадар куйидаги манзилга жўнатилди: Тошкент шаҳри, 100129, Навоий кўчаси, 30-уй, 3-қават, 5-хона. Телефон/факс: 244-15-96, 244-12-51, www.mmf.uz, e-mail: mmf@uzpak.uz, mmf.uz@mail.ru.

Ташкилий кўмита

## ФИНАЛ БАҲСЛАРИГА МАРҲАБО!



Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги ва Ўзбекистон алоқа ходимлари касаба уюшмаси марказий кенгашининг футбол бўйича кўча соврини учун финал мусобақалари 24-26 сентябр кунлари Тошкент ахборот технологиялари университетининг катта спорт залида бўлиб ўтади. Унда соҳамизнинг 12та энг кучли жамоаси ғолиблик учун баҳс олиб боради.

Мусобақа ўтказилиш тартиби куйидагича:

Гуруҳ ўйинлари — 24 сентябр. Соат 8.00дан 20.00гача.

Чорак финал баҳселари — 25 сентябр. Соат 8.00дан

12.00гача.

Ярим финал — 25 сентябр. Соат 15.00дан 17.00гача.

Финал — 26 сентябр. Соат 10.00да.

Финал ўйинларига ташриф буюринг ва шиддатли  
баҳслар гувоҳига айланинг!

## Ўтганларнинг охираги обод бўлсин

Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги жамоаси Агентликнинг собиқ ходими  
**Олга Валентиновна  
КИМнинг**

вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор этади.

Республика ахборот-кутубхона маркази жамоаси Бухоро вилояти Ибн Сино номидаги ахборот-кутубхона маркази директори Мамлакат Самадовага волидаи муҳтарамаси  
**Тебизе САМАДОВАнинг**  
вафоти муносабати билан таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги жамоаси «Ўзбетеком» АК «UzNET» филиали директори Алишер Қодировга рафиқаси

**Дилдора ИШОНОВАнинг**

вафоти муносабати билан ҳамдардлик билдирди.

«Радиоалоқа, радиоэшиттириш ва телевидение маркази» ДУК жамоаси Тошкент радиотелевидение узатиш маркази ултракисра тўлқинли узатгичлар цехи бошлиғи Илҳом Мирсодиқовга онаси  
**Хайри аянинг**

вафоти муносабати билан ҳамдардлик билдирди.

Жорий йилнинг 16-18 сентябр кунлари Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш соҳаси ходимлари ўртасидаги Баркамол авлод йилига бағишланган республика спартакиадасининг финал босқичи ўйинлари бўлиб ўтди. Бўстонлик туманида жойлашган «Тошкент шаҳар телефон тармоғи» филиалига қарашли «Алоқачи» оромгоҳи уч кун давомнда хаваскор спортчилар ихтиёрида бўлди. Уларнинг спорт мусобақаларини кўнгилдагидек ўтказишлари ҳамда мазмуни дам олишлари учун барча шарт-шароитлар муҳайё этилди.

## Баркамол

Стол тенниси, шахмат, шашка беллашувлари яқкалик тартибда ўтказилган бўлса, мусобақанинг сўнгги кунда қатнашчилар тезлик, эчкилик, жуфтлик ҳамда арқон тортиш беллашувларини ўзида жамлаган кўпкурашда куч синашишди.

## Стол тенниси (аёллар)

Пойтахт, Фарғона водийси ва Хоразм вилояти жамоалари шарафини ҳимоя қилган хотин-қизлар ўртасидаги беллашувлар, айниқса, мурасасиз ўтди. Финалга ўз гуруҳларида бирон-бир мағлубияга учрамаган ва саралашда рақибларини енгган Тошкент шаҳри вакили Лейла Сагитова ҳамда Хоразм вилояти вакили Шоҳида Абдуллаева етиб келди. Омад тошкентлик спортчи томонда бўлди. Учинчи ўрин соҳибаси Наманган ва Фарғона спортчилари ўртасидаги баҳсда аниқланди.



Ким биринчи бўлади?

- 1-ўрин. Лейла Сагитова (Тошкент ш.)
- 2-ўрин. Шоҳида Абдуллаева (Хоразм)
- 3-ўрин. Барно Музаффарова (Наманган).

## Стол тенниси (эркаklar)

Эркаklar ўртасидаги мусобақаларда Тошкент шаҳри, Самарқанд, Фарғона ва Хоразм вилоятлари вакиллари ўз гуруҳларида биринчи ўринни эгаллашди. Самарқандлик теннисчи ярим финал учун баҳсда андижонлик ҳамкасбига имкониятгни бой берган бўлса, юқорида номлари саналган бошқа жамоалар вакиллари курашни давом эттириш ҳуқуқини қўлга киритишди. Ярим финалдан сўнг финалда яна тошкентлик ва хоразмлик спортчилар юзма-юз келишди. Олим Ғафуровнинг галабаси билан тошкентликлар спартакиада чемпиони бўлиш томон жиддий қаламни ташлашди.

- 1-ўрин. Олим Ғафуров (Тошкент ш.)
- 2-ўрин. Мурод Раҳимов (Хоразм)
- 3-ўрин. Элёр Иброҳимов (Фарғона).

## Шашка (аёллар)

Тўрт гуруҳда ўтказилган мусобақаларда водийнинг уч жамоаси, Тошкент шаҳри, Самарқанд, Навоий, Хоразм ва Қашқадарё вилоятлари шашкачилари плей-оффга йўлланма олишди. Финалгача наманганлик ва фарғоналик спортчи қизлар етиб келишди. Муҳайё Акрамова ўз галабаси билан жамоасига муҳим очколарни келтирди.

- 1-ўрин. Муҳайё Акрамова (Наманган)
- 2-ўрин. Дилрабо Райимова (Фарғона)
- 3-ўрин. Албина Аҳметова (Тошкент ш.).

**Шашка (эркаклар)**

Бу мусобақаларнинг якуний босқичига ўз гуруҳларида биринчи ўринни эгаллаб, саралаш учрашувларидаги зафарли юришлари билан Шерзод Деҳқонов ва Шерзод Тўймуродовлар етиб келиши. Андижонлик спортчининг галабаси спартакиаданинг совринли ўринлари учун курашаётган водий жамоалари сонини яна биттага кўпайтирди. Учинчи ўрин эса Махсус авария-тиклаш бошқармаси ходими Исмат Шохалиловга насиб этди.

- 1-ўрин. Шерзод Деҳқонов (Андижон)
- 2-ўрин. Шерзод Тўймуродов (Қашқадарё)
- 3-ўрин. Исмат Шохалилов (Тошкент ш.).

**Шахмат (аёллар)**

«Ақл гимнастикаси» — шахмат мусобақаларида ТАТУ Урганч филиали вакили Фазилят Досчанова



Ғолиб ва совриндорлар

# авлод спартакиадаси

нова ҳамда Татьяна Агзамовалар ўз жамоалари ҳисобини қимматли очколар билан бойитишди. Учинчи ўринни эгаллаган Маъмура Ўринбоева эса Тошкент вилояти жамоасига дастлабки очколарни келтирди.

- 1-ўрин. Фазилят Досчанова (Хоразм)
- 2-ўрин. Татьяна Агзамова (Тошкент ш.)
- 3-ўрин. Маъмура Ўринбоева (Тошкент в.)

**Шахмат (эркаклар)**

Мусобақаларни бир гуруҳда бошлаган фарғоналик Абдулазиз Абдуллаев ва сирдарёлик Илҳом Очилов финалда яна бир бор куч синашди. Фарғоналик шахматчи рақибдан кучли эканлигини яна бир бор исботлай олди. Сурхондарёлик Асадилло Анваров учинчи ўрин билан кифояланди.

- 1-ўрин. Абдулазиз Абдуллаев (Фарғона)
- 2-ўрин. Илҳом Очилов (Сирдарё)
- 3-ўрин. Асадилло Анваров (Сурхондарё).

Спортнинг жамоавий турлари томошабоғлиги ва мурасиз курашларга бой бўлиши билан қизиқарли. Айни шу фикр спартакиаданинг учинчи кунидан жой олган кўпкураш мусобақаларида яна бир бор исботини топди. Тезлик, эпчиллик, жуфтлик эстафеталари ва арқон тортиш мусобақалари айрим жамоаларга совринли ўринлар учун сўнги умид бағишлаган бўлса, яна кимларгадир ўз мавқеини мустаҳкамлаш имконини берарди. Шу боис ҳар бир йўналишда сониялар, қадамлар учун кураш борди.

Кўпкурашнинг тезлик эстафетасида пойтахт, Хоразм ва Бухоро вилоятлари жамоалари энг яхши натижа кўрсатишди. Эпчиллик ва жуфтлик эстафеталарида навоийликлар пешқадам бўлишди. Шунингдек, Сурхондарё, Андижон, Тошкент вилоятлари жамоаларининг иштироки ҳам алоҳида таҳсинга сазовор. Турнирнинг энг кучли жамоаси хоразмликлар бўлишди. Улар арқон тортишда ҳеч бир жамоага имконият қолдиришмади. Қолаверса, наманганлик, андижонлик ва сурхондарёлик спортчилар ҳам совринли ўринлар учун куч синашишди.

**Кўпкураш (умумий натижа)**

- 1-ўрин. Навоий вилояти
- 2-ўрин. Сурхондарё вилояти
- 3-ўрин. Хоразм вилояти.

Спартакиада ўз якунига етди. Умумий натижалар сарҳисоб қилиниб, совриндор жамоалар аниқланди. Беллашувларда фаол қатнашган фарғоналиклар учинчи, хоразмликлар иккинчи ўринни банд этишди. Ҳакамлар ҳайъати Тошкент шаҳри жамоасини 2010 йилги Баркамол авлод йили республика спартакиадасининг ғолиби деб эълон қилди.

Ғолиб ва совриндорлар кубок, диплом ва совғаларни алоқа ва ахборотлаштириш соҳаси раҳбарларидан қабул қилиб олишди. Мукофотлаш маросимида Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги Бош директорининг биринчи ўринбосари А.Эшонхўжаев қатнашди ва сўзга чиқди.

Собит АҲАДОВ,  
«Xabar» мухбири



Учинчи ўрин учун баҳс



Фарғоналиклар стартда



Хоразмлик полвонларга тасанно!



Бухоролликлар биринчи келишди

**СЎЗ — МУСОБАҚА КАТНАШЧИЛАРИГА:**

**Сайфиддин ШОСАИДОВ,**  
Жиззах жамоаси етакчиси, Жиззах шаҳар почта алоқаси тармоғи бошлиғи ўринбосари:

— Жамоамиз асосан почта ходимларидан ташкил топган. Шунингдек, «Жиззах Телеком», «ЎЗИ-Жиззах» ва ахборот-кутубхона маркази ходимлари ҳам сафимизни кенгайтиришди. Республика спартакиадасига нухта тайёрлангандик, назаримда бизга бир оз омад етишмади. Бирок бундай мусобақаларда асосийси медаллар эмас, балки дўстлар орттириш, ҳамкасблар билан таъриба алмашиш, қолаверса, кўнглини дам олиш.

**Асадилло АНВАРОВ,**  
Сурхондарё РТУМ Жарқўрғон станцияси электромеханиги:

— Шахмат мусобақаларида гуруҳда иккинчи ўринни эгаллаб кейинги босқичга чиқдим. Пойтахтлик рақибни енгдим, аммо финал оstonасида турнинг энг кучли шахматчиси Абдулазиз Абдуллаевга имкониятни бой бериб қўйдим. Асосийси, менга ишонч билдирган қадрдон жамоам олдиға ёруғ юз билан совриндорлар қаторида қайтман.

**Азизжон НАИМОВ,**  
Навоий жамоаси аъзоси, вилоят почтаси мутахассиси:

— Мусобақалардаги иштирокимиздан кўнглимиз тўлди. Чунки спартакиаданинг энг асосий беллашувлари — кўпкурашда биз ғолиб чиқдик. Бу жамоамиз жипслиги, аҳиллигининг исботи. Қолбуки, жамоамиз авзолари почта, телеком, ахборот-кутубхона сингари турли йўналишларда фаолият кўрсатишди. Бундай ажойиб мусобақалар, мароқли дам олиш учун шароит яратиб берган касаба уюшмамиз масъулариға ўз самимий миннатдорчилигимизни билдираман.

Бир кун турли касб эгалари йиғилиб гурунглашарди. Уларнинг ҳар бири ўз ҳунарига хос бўлган сўзамоллик ҳақидаги фикрини баён қилдилар.

Гапни заргар бошлади:

— Сўзларни нозик игпа термокнинг энг яхши усули — уларни зийракликнинг ўткир тиғи билан тешиб, ундан тафаккур ипини ўтказиб, улар маъносининг ёрқин дурларини нутқ маржони шодасига бирлаштирмоқ ва уни гапиратганнинг бўйнига ilmoқдир.

— Энг хушбўй нутқ, — дея гапни илиб кетди мушки анбар билан савдо қилувчи, — сўзларининг муаттар ҳиди фикр мушки билан омухта қилинган нутқдир. Ана шундай фикрни эшитганимда хуш бўйини ҳис этасан ва муаттар ифоридан нафас оласан. Сўзамол нотиклар унинг атрини яхши кўрадилар, назокатли кишилар унинг хуш бўйидан ўзларига оро берадилар.

— Яхши нутқ, — гапга кўшилди тилла буюмлар ясовчи уста, — фикр алангасида қиздириб, зукколик қозонида қайнатилгач, унда теран маънонинг тоза олтини ялтираб туриш учун серсўз ланжлигидан тозаланган ваъдир.

Сўхбатга сарроф аралашди: — Яхши нутқ, яроқли танганинг яроқсизидан ажратадиган тажрибали кўлга ўшайди. Бундай кўлда сўзларга донолик нигоҳи билан сайқал берилди ва суҳандонлик тарозисида шундай тортиладики, ҳеч кимнинг кўзи сохталик кўрмайди, ҳеч кимнинг қулоғи ёлғонни эшитмайди.

Гал темирчига келди: — Энг чиройли нутқ онг босқонида дам берилиб, истеъод кўрида яхшилаб тобланиб, сукут кўмирида тубти туриб, англаш болғасида тобланган нутқдир, — деди у.

— Яхши нутқ, — деди дурадгор, — маъноси муҳокама ўроқ-рандасида яхшилаб йўнилиб, тушунши болтасида текисланган бўлиши керак, токи у аниқ бўгин хонадониде эшик ва тоза ҳамда ажойиб тил уйида тўсин бўлиб хизмат қилсин.

— Энг гўзал нутқ, — деди ги-

# Энг яхши нутқ

ламдўз, — маъно нақшлари билан безалган сўзлардан тўқилган гиламдир. Ана шундай гиламгина уни томоша қилаётган кўзларни қувнатади, тинглаётган қулоқни нафис товушлари билан завқантиради.

Гапни чархпалак мироби давом эттирди: — Энг тушунарли нутқ сўзлар челаги маъно филдирагига осилган чархпалакдир. Ўша челақ донолик кудугига туширилади-да, ундан оби ҳаётга тўлдирилади. Бу сув эса бачча ноаниқликларни ювади, нутқ маъносини равшан қилади ва қийналаётганлар ташналигини қондиради.

Сўз навбати бўёқчига келди: — Энг ёқимли нутқ, — деди у, — қисқалик жилваси хира тортмаган ва сўзга чечанлик ранги ўчмайдиган нутқдир; чунки тафаккур кўли унга жило беради.

— Энг яхши нутқ, — деди тўқувчи, — матодир. Зеро, матода сўз орқоғи ҳамда маъно асоси чамбарчас чатишиб кетгандир. Шунинг учун у зич ва ялтироқ бўлиб чиқади, гўзаллиги билан кўзингизни қамаш-

## HIKOYAT

тиради.

Гапга газмол билан савдо қилувчи аралашди:

— Яхши нутқ — сўзларига ҳақиқат тамғаси босилган, маъноси эса кўз олинганга ёйиб ташланган нутқдир; бундай нутқнинг ранги-рўйи у ўроғлик бўлса ҳам, ёйилган бўлса ҳам, яққол кўриниб туради.

— Яхши нутқ, — деди суҳбатга қўшилган сайис, — минишга ўргатилиб совутилган ва йўғалашдан олиб чопишга ўта оладиган аргумоқдир.

Туялар карвонининг сарбони таъкидлади:

— Сўзамол одам — нутқни жиловдан ушлаб, фикр воҳасида туяни чўкишга мажбур этади, уни лўндалик билан кишанлаб, қисқалик майдонига кўйиб юборади.

Мусалласпаз ҳам бўш келмади: — Сўзнинг энг узоқ сақланиб этилган мусалласи билан қозонида яхшилаб сиркаланиб, тушунши доқасидан ўтказилган ва донолик хумига кўйилгандир. Унинг хушбичимлиги лаззат беради, нозиклиги — чанқоғингни қондиради, ўйлари эса маст қилади.

Салқин ичимликлар сотувчи унга кўшимча қилди:

— Яхши нутқнинг сўзлари бемаъни шубҳалардан холис этиб, кишини тетиклаштиради. Унинг ўйларини ичиш эса осон ва шириндир.

Табиб деди:

— Яхши нутқ дори-дармондир. Унинг тиниқлиги хира фикр юри-тишдан даволайди, кишидан калта-фаҳмликини ҳайдаб чиқаради. Соғлом фикр бахш этади.

Иброҳим ал-Хусрийнинг "Адабиёт гуллари" китобидан

**BILIMINGIZNI SINAB KO'RING**

Телефон учун яратилган автоматик тарзда кўнгироқларга жавоб берувчи илк мослама қарда ва қачон синовлан ўтган?

! "Xabar"нинг 38 (939)-сониде эълон қилинган "Магнит тасмасига овоз ёзиш илк бор қачон ва қарда амалга оширилган?" саволига жавоб:

Магнит тасмасига овоз ёзиш илк бор 1952 йилда Лос-Анжелесда амалга оширилган.

## БИЛАСИЗМИ?

Мия инсон танасидаги мавжуд кислороднинг тўртдан бир қисмини ишлатади.

Ҳатто туғилмаган болалар ҳам ўз бармоқ узларига эга бўлишади. Улар бола ривожланишининг учинчи ойида пайдо бўлади.

Инсон қулоғидаги мушаклар 1 миллиметрни ташкил этади. Бу одам танасидаги энг кичик мушак ҳисобланиб, ўрта қулоқда жойлашган. Унинг вазифаси қулоқ ичидаги митти суякчаларни суяб туришдан иборат.

XV асрда қизил ранг даволоччи хусусиятга эга, деб ҳисобланган. Беморларга шу рангдаги кийим кийдириб, деворларининг ранги қизғиш хонага ётқишишган.

## XALQ TABOVATI

### АНОРНИНГ Фойдалари

Анор — шифобахш ва фойдали мева. Унинг таркибида турли витаминлар, калций, магний, натрий каби микроэлементлар мавжуд бўлиб, унинг нафақат мағзи, балки пўчоғи ҳам турли хасталикларга даво. Агар сиз бир кунда бир марта анор шарбатидан истеъмол қилсангиз, организмингиздаги 80 фоиз зарарли чикнидлардан халос бўласиз. Фақат анор шарбатига бир оз қайнаган сув солиб истеъмол қилинг. Таркибида кислота кўлиги сабабли тиш эмал қағати зарарланиши мумкин.

Анор пўчоғини қуришти, чойга солиб истеъмол қилсангиз, кайфиятингиз кўтарилиб, ўзингизни тетик ҳис этасиз.

Кўйда анорнинг шифобахш хусусиятларини келтираимиз:

● анор шарбати иштаҳани очади. Шунингдек, атеросклероз, бош оғриғи, ошқозон-ичак касалликларида фойдали;

● сизда камқонлик бўлса, кўйидаги дамлама ёрдам беради: кун давомида 0,5-1 стакан анор шарбатини 3 мартадан, овқатланишдан ярим соат олдин истеъмол қилинг. Муолажани 2-4 ой давом эттириб, бир оз танафусдан сўнг яна такрорлаш мумкин;

● анорнинг аччиқ таъми ошқозон оғриғини ҳам қолдиради. Бунинг учун 5 гр. анор пўчоғига ярим стакан қайнаган сув солиб, 20 дақиқага тиндириг. Сўнг доқадан ўтказиб, 0,5-1 чойқошиқдан кун давомида уч-тўрт маҳал ичинг.

## ЎЗБЕКИСТОН АЛОҚА ВА АХБОРОТЛАШТИРИШ АГЕНТЛИГИ

Маълум қилдики, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 22 ноябрдаги 458-қарори билан тасдиқланган Телекоммуникациялар соҳасидаги фаолиятини лицензиялаш тўғрисида низомининг 49-бандига асосан: "Джал" хусусий корхонасининг (Самарқанд ш.) аризасига мувофиқ, кўчма радиотелефон (мобил) алоқа тармоқларини лойиҳалаш бўйича фаолиятга берилган АА серияли 0002526 рақамли; "AZIYA-TELEKOM-TERMIZ" масъулияти чекланган жамиятининг (Термиз ш.) аризасига мувофиқ, ўз тармоғини ташкил этиш ҳуқуқисиз маълумотлар узатиш тармоқлари хизматларини кўрсатиш бўйича фаолиятга берилган АА серияли 0001880 рақамли; "AZAMATBEK ALOQA SERVIS" хусусий корхонасининг (Тошкент ш.) аризасига мувофиқ; — маҳаллий телекоммуникация тармоқларидан фойдаланиш ва хизматларини кўрсатиш бўйича фаолиятга берилган АА серияли 0002636 рақамли; — шаҳарлараро телекоммуникация тармоқлари хизматларини кўрсатиш бўйича фаолиятга берилган АА серияли 0002637 рақамли; — халқаро телекоммуникация тармоқлари хизматларини кўрсатиш бўйича фаолиятга берилган АА серияли 0002638 рақамли; — ўз тармоғини ташкил этиш ҳуқуқисиз маълумотлар узатиш тармоқлари хизматларини кўрсатиш бўйича фаолиятга берилган АА серияли 0002817 рақамли лицензияларнинг амал қилиши 2010 йил 20 сентябрдан тугатилди.

**Xabar**

МУАССИС:

ЎЗБЕКИСТОН АЛОҚА ВА АХБОРОТЛАШТИРИШ АГЕНТЛИГИ

Бош муҳаррир: Абдусайд КҮЧИМОВ

ТАХРИР ҲАЙЪАТИ:

Ҳаким МУҲИТДИНОВ (Ҳайъат раиси), Асадқон ХҲҲАЕВ, Миродил САНГИЛОВ, Шухрат СОДИҚОВ, Шухрат АТАМУҲАМЕДОВ, Суван НАҲБИДДИНОВ, Рустам ҚОСИМОВ, Содиқжон ҚОСИМОВ, Абдуазиз АБДУРАҲМОНОВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Лутфилло ТУРСУНОВ (масъул котиб).

Тахририятта келган қўлёзма ва суратлар эгаларига қайтарилмайди. Муаллифларнинг фикрлари тахририят фикридан фарқланиши мумкин. Нашримиздан кўчириб босилганда "Xabar"дан олинганлиги кўрсатилиши шарт.

Тижорий материал — ●  
Реклама матнларининг тўғрилиги тахририят жавобгар эмас. Газетани тайёрлашда интернет материалларидан ҳам фойдаланилади.

МАВЗИЛИМИЗ:

100043, Тошкент, Бунёдкор шоҳқўчаси, 8-уй.  
Тел.: 288-40-65; 288-40-66, 288-40-69.  
Факс: 288-40-72. E-mail: info@xabar.uz

Обуна индекси — 228.

Газета тахририят компьютер базасида терилди ва саҳифаланди.  
Дизайнер: Аслиддин БҮРИЕВ.  
Навбатчи: Усмоножон ЙҮЛДОШЕВ.

Газета Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 0016 рақами билан 2006 йил 6 декабрда рўйхатга олинган.	Газета ҳафтаниг жума кун чикади	"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Манзили: Тошкент шаҳри, "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй.	G-802 сонли буюртма. Офсет усулида босилди. Қоғоз бичими А-3, ҳажми 4 босма табоқ, Адади: 10529 нуска.	ISSN 2010-6424									
Видеот муҳбирлари:	Андижонда 226-47-80	Бухорода 223-27-85	Гулистонда 40-12-19	Жиззахда 226-06-34	Навоийда 225-91-10	Наманганда 226-61-85	Нукусда 554-35-45	Самарқандда 233-61-81	Термизда 224-06-12	Тошкентда 288-40-66	Урганчда 226-37-16	Фарғонада 226-87-71	Қаршида 314-08-99